Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

YOŞLARNING IJTIMOIY – SIYOSIY GAZETASI

1996 йил 3 апрел Чоршанба. № 19 (14317)

ЎЗБЕКИСТОН — ВЬЕТНАМ: АЗАЛИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖИ

Ўзбекистон ва Вьетнам халқлари қадимий «Ипак йўли» орқали бир-бири билан азалдан ҳамкорлик қилиб келган. Аждодларимиз мерос қолдирган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари бугунги кунда ҳам ривож топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ВСР Президенти Ле Дик Ан таклифига биноан жорий йилнинг 27-29 март кунлари Вьетнамга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаб берди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон ва Вьетнам халқлари ўртасида алоҳида самимият, дўстлик шаклланганини кўрамиз. Вьетнам халқининг мустақилликни сақлаб қолиш ва мамлакатни тиклаш йўлидаги курашида Ўзбекистон халқи кўрсатган беғараз ёрдам бу муносабатларнинг мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Вьетнамга иқтисодиётнинг турли соҳалари учун етук малакали кадрлар тайёрлашда кўмаклашгани маълум. Жумладан, мингдан зиёд вьетнамлик талабалар Ўзбекистон олий ўқув юртларида таҳсил олдилар. Уларнинг талай қисми Ватанимиз пойтахтида ўз мутахассисликлари бўйича диссертациялар ёқладилар. Шу боис вьетнамликлар Ўзбекистон кўрсатган кўмакни ҳамиша миннатдорлик билан эслайди. Халқимиз ҳам ўз истиқлолини авайлаш учун мардона курашган, унинг озодлигини ҳар нарсадан устун қўйиган, меҳнатсевар Вьетнам халқига зўр ҳурмат билан қарайди.

Мана шу самимият ва дўстона муносабат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вьетнам тупроғига расмий ташрифи илк дақиқаларидаёқ сезилди.

28 март куни Ханойдаги муҳташам Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг рафиқасига Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Ле Дик Ан рафиқаси билан пешвоз чиқди. Дийдорлашувдан сўнг Президентлар Вьетнам қуролли кучлари аскарлари саф тортган майдон марказидаги шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Вьетнам давлатлари мадҳиялари янгради. Ўзбекистон раҳбари Вьетнам Президенти ҳамроҳлигида фахрий қоровул сафи олдидан ўтди. Вьетнам халқи одатига биноан миллий либосдаги қизлар муўтабар меҳмон пойига гуллар сочдилар.

Маросим тугагач, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вьетнам Президенти Ле Дик Ан билан мулоқотда бўлди. Ўзбекистон ва Вьетнам давлатлари раҳбарлари икки мамлакат ўртасида шаклланган дўстона муносабатларни ўзаро манфаатли асосда ривожлантиришни ёқлаб фикр билдирдилар.

Саройнинг бошқа залида Ўзбекистон ва Вьетнам расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибидаги музокаралари бошланди.

ВСР Президенти Ле Дик Ан Вьетнам ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида дадил одимлаб бораётган Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ниятида эканини қайд этди. Дарҳақиқат, Вьетнам Президентининг собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган МДҲ мамлакатлари раҳбари орасида биринчи бўлиб Президент Ислом Каримовни ўз мамлакатига расмий сафар қилишга даъват этгани бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистон ва Вьетнам ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун катта имкониятларга эга.

Юртбошимиз музокаралар чоғида тоғ-кон саноати, нефть ва газ конларини излаб топиш ва қазиб олиш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, халқаро коммуникация тизимларини ривожлантириш каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятлари катта эканини таъкидлади. Пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик саноати ҳам ҳамкорлик учун истиқболлидир. Чунки Ўзбекистон жаҳондаги пахта етиштирадиган энг йирик мамлакатлардан бири ҳисобланади. Жаҳон бозорида сотиладиган пахтанинг 20 фоизи мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келади. Асосан Ўзбекистондан келтирилаётган пахтага мослашган Вьетнам тўқимачилик саноати халқаро бозорда муваффақият қозонаётгани бу борадаги ҳамкорликни ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишидан дарак беради.

Ўзбекистон раҳбари халқаро соҳада ҳам мамлакатимиз билан Вьетнам умумий манфаатларга эгалигини қайд этди. Жаҳонда ҳамда минтақаларда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳарбий ихтилофлар, ядро қуролига эга давлатлар сони купайишининг олдини олиш, йирик давлатларнинг дунёни қайтадан ўз «таъсир доираси»га бўлишига йўл қўймаслик, жаҳон ҳамжамиятини террорчилик, наркобизнес, уюшган жиноятчиликка қарши ҳамкорликка жалб этиш, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатадиган халқаро ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидаги ҳамкорлик шулар жумласидандир.

Икки мамлакат расмий делегациялари музокаралари ниҳоясида Президентлар Ислом Каримов ва Ле Дик Ан Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бош вазир ўринбосарлари даражасида иккй мамлакат ҳукуматлари ўртасида икки ёқлама солиқ олмаслик ва фойда учун тўланадиган солиқдан бўйин товлашнинг олдини олиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Вьетнам ҳукуматлараро комиссиясини тузиш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ташқи ишлар вазирлари эса Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга имзо чекдилар. Шу куни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Вьетнам ташқи савдо банки ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги шартнома ҳам имзоланди.

Президент Ислом Каримов ташриф чоғида ВСР Бош вазири Во Ван Кьет ва мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан ҳам мулоқотда бўлди. Учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Вьетнамда қабул қилинган ҳужжатлар ўзаро самарали ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиши, улар халқларимизнинг орзу-интилишларига мос бўлиб тушиши таъкидланди.

Биз Вьетнам халқи ўз мустақиллигини сақлаб қолиш ва мамлакат яхлитлигига эришиш йўлида оғир кунларни бошдан кечирганини, ватанга муҳаббати, эрксеварлиги, собит эътиқоди билан бу мудҳиш кунлардан муваффар чиққанини биламиз. Ўзбекистон раҳбари 28 март куни Ханойнинг Марказий майдони яқинида ватанни ҳимоя қилаётиб жон фидо қилган Номаълум аскар ёдгорлигини зиёрат қилди.

«Биз учун озодлик ва мустақиллик ҳар нарсадан устундир», — Вьетнамнинг биринчи Президенти Хо Ши Мин ана шундай деган эди. Юртбошимиз атоқли давлат арбоби Хо Ши Мин мақбараси пойига гулчамбар қўйди.

Кун ниҳоясида ВСР Президенти Ле Дик Ан Ўзбекистон Президенти ва унинг рафиқаси шарафига қабул маросими уюштирди.

Маълумки, Вьетнам бугунги кунда «Иқтисодий янгиланиш сиёсатини» амалга ошира бориб, катта ютуқларга эришмоқда. Йилига 9,5 фоиз иқтисодий усишга эришилаётгани, мамлакатнинг экспорт салоҳияти ҳар йили 20 фоизга усаётгани, иқтисодиётга киритилаётган давлатлардан бири Жанубий Кореядир. У 856 миллион доллардан зиёд миқдорда сармоя киритиб, бу борада Тайван ва Гонконгдан кейинги ўринни эгаллайди. Дарҳақиқат, Жанубий Корея ишбилармонлари Вьетнам иқтисодий имкониятлари кенглиги, бу ерда хорижлик сармоядорлар учун яхши шароитлар яратилганидан, арзон ишчи кучи мавжудлигидан омилкорлик билан фойдаланмоқда. Вьетнамлик ҳамкорлар билан «Орион-Ханел» қўшма корхонаси барпо этган «ДЭУ» компаниялар гуруҳи ана шулардан биридир.

«Орион-Ханел» бир ярим йилдан зиёдроқ муддатда қуриб фойдаланишга топширилди. 170 миллион доллар сармоя сарфланган ушбу корхона айни пайтда йилига рангли ва оқ-қора тасвирли телевизорлар учун 2 миллион 200 минг дона кинескоп ва монитор ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистон раҳбари Вьетнам-Корея «Орион-Ханел» қўшма корхонаси фаолияти билан танишар экан, Жанубий кореялик ишбилармонларни Ўзбекистондаги шу соҳага ихтисослашган корхоналар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга, мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритишга даъват этди. Президентимизнинг бу таклифи ҳамда Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар беш йилгача барча солиқлардан озод қилиниши ҳақидаги маълумот ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди.

Президент Ислом Каримов ВСР пойтахтидаги ҳукумат меҳмонхонаси мажлислар залида Вьетнам савдо-саноат палатаси вакиллари ва ишбилармонлари билан учрашув чоғида уларга мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятлари ва хорижлик сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида янада кенг маълумот берди. Тадбиркорлар ишонч билан сармоя сарфлаши мумкин бўлган соҳаларни таъкидлади. Юртбошимиз вьетнамлик ишбилармонларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон виза масалаларини осон ҳал қилиш мақсадида Ханойда консулхона очиш ниятида эканини айтди.

Тадбиркорлар юк ташиш учун қандай алоқа тармоқлари афзаллиги билан қизиқдилар. Ўзбекистон раҳбари икки мамлакат пойтахтлари ўртасида ҳаво йўли очиш тўғрисида битим имзоланганини, йўловчилар, сайёҳлар, тадбиркорлар хоҳиш билдирган куни самолётлар парвозни бошлаши мумкинлигини маълум қилди. Бундан ташқари, тадбиркорлар Россиянинг Находка, Эроннинг Бандари Аббос бандаргоҳлари орқали юк ташиш имкониятига эгалар. Хитой, Қозоғистон, Вьетнам ва Ўзбекистон ўртасида темир йўлдан фойдаланиш ҳақида битим имзоланганидан сўнг, бу мамлакатлар орқали товарлар ташиш энг мақбул йўл булади.

Ташриф ниҳоялаб бормоқда эди . 29 март куни Президент саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Вьетнам Президенти Ле Дик Ан яна бир бор мулоқотда бўлдилар. Ушбу учрашув чоғида Ўзбекистон раҳбарининг Вьетнамга расмий ташрифи самарали бўлгани, бу ерда имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Вьетнам халқлари ўртасидаги азалий биродарликни, ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди. Президент Ислом Каримов ВСР Президентини Ўзбекистонга расмий ташриф буюришга таклиф қилди. Бу таклиф Президент Ле Дик Ан томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Шундан сўнг Вьетнам Президенти Ле Дик Ан ва унинг рафиқаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва унинг рафиқаси билан хайрлашди. Президент саройида Ўзбекистон раҳбарини кузатиш маросими бўлди.

Шунинг билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ханойга ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф чоғида мамлакатимиз раҳбарига республика Бош вазири ўринбосари В. Чжен, ташқи ишлар вазири А. Комилов, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси Р. Азимов, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Э.Ғаниев ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Амиркул КАРИМ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Ханой — Тошкент.



Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Ле Дик Ан.

ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ

Кончилар шаҳри — Зарафшон, айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги энг гўзал ва маданий-маиший хизмат юксак даражада йўлга қўйилган масканлардандир. Шу боисми, бу шаҳарга бир келган одам яна келсам, иложи бўлса, шу ерда қолсам дейди.

Айниқса, бу ерда ёш авлодга эътибор катта. Лицейлар, мактаблар, боғчалар... «Сольнишко» намунали болалар боғчаларидан бири ҳисобланади. Боғча мураббияларининг меҳрибонлигини айтмайсизми! Тарбия ҳам шунга яраша.

Суратда: тарбиячи Гулмира Аҳмедова кичкинтойларга давлат тилидан сабоқ бераётир.

Т. НОРҚУЛОВ сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 2 апрелда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 21,19 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 37,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 3 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	29,02
1 Австрия шиллинги	3,55
1 Англия фунт стерлинги	56,41
10 Бельгия франки	12,15
1 Голландия гульдени	22,33
10 Греция драхми	1,53
1 Дания кронаси	6,47
1 БАА дирхами	10,07
1 АҚШ доллари	37,00
1 Миср фунти	10,90
1 Ирландия фунти	58,18
1 Исландия кронаси	0,56
10 Испания песети	2,97
100 Италия лираси	2,36
1 Канада доллари	27,33
10 Хитой юани	0,44
1 Қувайт динори	123,66
100 Ливан фунти	2,34
1 Малайзия рингтити	14,63
1 Германия маркаси	24,98
1 Норвегия кронаси	5,76
1 Польша злотийси	14,30
10 Португалия эскудоси	2,42
1 Сингапур доллари	26,33
1000 Туркия лираси	0,52
1 Финляндия маркаси	8,03
1 Франция франки	7,33
1 Швеция кронаси	5,57
1 Швейцария франки	31,04
1 ЭКЮ	46,32
10 Жанубий Корея вони	0,47
10 Япония иенаси	3,45
1000 Россия рубли	7,62
1000 Украина карбованеци	0,20
1000 Беларусь рубли	3,22
1 Эстония кронаси	3,12
1 Латвия лати	67,52
1 Литва лити	9,25
1 Қозоғистон тенгеси	0,57

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

Акс садо

ШОШИЛИНЧНОМА

Наманган вилояти Поп туманидаги Мирсултонова номидаги жамоа хўжалиги маъмурияти ва аъзолари Россия Давлат Думасининг 15 март қарорини сариқ чақага қиммат деб биладилар. Собиқ Иттифоқни тиклаш ҳақида умуман гап бўлиши мумкин эмас. Мустақиллик бизнинг орзумиз эди. Энди уни ҳеч кимга бериб қўймаймиз.

Алиёр АРСЛОНОВ,
жамоа бошқаруви раиси.

ЗУЛМАТГА ҚАЙТМАЙМИЗ

Ўзбекистон мустақиллигини ўзбеклар қатори диёримизда яшаб, шу юртни Ватаним деб билган барча миллат ва элат вакиллари ҳам чексиз қувонч билан қарши олгандилар. Бу инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Фикримнинг далили, «Туркистон» газетасининг 30 март сонида чоп этилган Ўзбекистондаги Корейс маданий-марказлари ассоциацияси раиси П. Кимнинг мақоласидир. Мен оддий ўқитувчи сифатида бу мақола ёшлар тарбиясига катта таъсир кўрсатади деб ўйлайман. Турли миллат вакилларининг юртимиз мустақиллиги учун мана шундай дадил курашаётганликлари, етишиб келаётган ёш авлодни қардошлик руҳида тарбиялаш воситаси ҳамдир.

Собиқ СССРни қайта тикламоқчи бўлаётган жаноблар билиб қўйсинларки, биз ёруғ кунлардан зулматга қайтмаймиз. Бу нафақат ўзбекларнинг, балки барча Ўзбекистон тупроғида яшаётган халқлар фарзандларининг қасамёдидир!

Раъно ҲАМРОЕВА,
Навоий вилояти Хатирчи туманидаги У. Исоқов номидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Шу сонга хабар

ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тошкентда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси якунловчи босқичи ниҳоясига етди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими Бош бошқармасидан учинчи босқич ғолиблари 264 нафар ўқувчи 26 умумтаълим фани бўйича куч синашди. Икки кун давом этган бу беллашувда барча фанлар бўйича ғолиблар аниқланди.

Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олимпиада ғолибларига олий ўқув юртларига синовларсиз кириш ҳуқуқини берадиган гувоҳномаларни топширди.

(ЎзА)

Ватанимизни боғ-роғларга буркайлик

МЕҲР БИЛАН СУҚИЛГАН ТАЁҚ...

Ўлкамизда баҳор. Дов-дарахтлар куртак отяпти. Қўйингки, бутун табиат ёшармоқда. Деҳқону чорвадор, соҳибкору-боғбонларнинг ташвиши ҳар қачонгидан ошган. Чорвадор йил ун икки ой қилган меҳнати маҳсулининг самарасини кўрса, деҳқон она замин бағрига меҳр билан уруғ ташлайди. Миришкорлар эса дов-дарахтларга шакл бериб, кўплаб мевали кўчатлар ўтказиб, боғзорларга кенгайтиради. Ҳа, чиндан ҳам шундай. Баҳорнинг ўзига яраша ташвишлари ва гашти бор.

Қашқадарёда бошқа вилоятларга нисбатан баҳор эрта келади. Демакки, дала юмушларига ҳам барвақт қўл урилади. Айни кунда воҳа деҳқонлари экин-тикин ишларини тезкорлик билан олиб боришмоқда. Катта-катта майдонларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, боғ ва сулим масканлар барпо этилмоқда.

Биз баҳорнинг дастлабки кунлари вилоятнинг Баҳористон туманида бўлганимизда ана шундай манзаранинг устидан чиқдик.

— Бу йил биргина туман марказига 30 минг туп мевали дарахт кўчатларини ўтказишни режалаштирганмиз, — дейди биз билан суҳбатда туман коммунал хизмат бошқармаси бошлиғи Низом Саидов. — Туманимиз чўл бағрида жойлашган. Мевали дарахт кўчатларини қанчалик кўп ўтказсак, аҳолининг мевага бўлган талабини шунчалик қондирган бўламиз. Ўтган йили ҳам 4 гектар майдонда боғ ташкил этганлик. Биз бу йил яна 10 гектар майдонда боғ барпо этмоқчимиз. Бунинг учун махсус ер танланиб, чўқурчалар ковлаб қўйилди. Ҳозиргача 15340 дона мевали дарахт кўчатларини ўтказишга эришдик.

— Кўчатларни қаердан олаяпсизлар?

— Улар асосан вилоятимизнинг кўчат етиштирувчи хўжаликларидан ҳамда Самарқанд вилоятидан келтирилмоқда.

— Ўртача ҳар бир кўчат неча сўмдан тўғри келаяпти?

— 20-25 сўмдан.

— Қандай кўчатлар экилмоқда?

— Олма, урик, шафтоли, қороли, нок, беҳи, бодом, шунингдек, узумнинг хўраки навларини ҳам ўтказаяпмиз. Бу хайрли ишда бошқармамизнинг 40 дан ортиқ ишчиси фаол қатнашмоқда. Маниёз Упасов, Остон Тухтаев, Тоир Ҳазратов, Раҳим Рўзмуродов, Саидали Муродов, Шерқул Алламуродов каби ишчиларимизнинг айниқса, меҳнати мақтовга арзигулик. Улар тенгқурларига ибрат бўлишаётир.

Чўл бағрида жойлашган мазкур туманнинг барча хўжаликларида ҳам кўчат экиш ишлари қизғин бораяпти. Чўлқуварлар «Меҳр билан суқилган таёқ, бир кун берар меваю яроқ» деган нақлга амал қилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишмоқда.

С. Ахроров.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ
"ЦМИ" ИННОВАЦИЯ ФИРМАСИ
МИНТАҚАВИЙ КЎРГАЗМАСИГА
10-12 апрелда
ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР
"ОЛТИН ВОДИЙ-ТАДБИРКОР-96"
БИЗНЕСНИНГ ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
Тадбиркор банк биносида
МАЪЛУМОТЛАР УЧУН
ТЕЛ: (3712) 39-17-00;
41-08-50;(ТОШКЕНТ)
(37322) 24-25-62 (ФАРҒОНА)

БУГУНГИ СОНДА:

- Бозор назокати
- Ҳуқуқимиз кафолатланган
- Олти ёшли икки бошли...эгизаклар

ЎЗБЕКИСТОН—ВАТАНИМ МЕНИНГ...

Биз уни энди ҳеч кимга бериб қўймаймиз!

Акс — садо



ОРҚАГА ЧЕКИНИШ ЙЎҚ

ЎКТАМ ЎРОЗМЕТОВ — уста, хивалик.

— Касбим билан ҳар қанча ғурурлансам арзийди. Чунки мустақил Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган ҳар бир оилага янги уй қуриб бераётганимдан фахрланаман.

Оиламда уч фарзандим бор. Ҳаммаси ўғил. Улар ҳам улғайгач ўзим сингари бунёдкор бўлишини, халқимиз оғирини енгил қилишини, мамлакатимиз юксалишига муносиб ҳисса қўшишларини истайман.

Россия Думасининг собиқ империяни тиклаш тўғрисидаги қарори мен ва мен сингари юзлаб, минглаб ҳамкасбларимни ғазаблантириб юборди. Бу нима деган гап? Наҳотки яна орқага — тобеликка қайтсак? Бас, етар, шунча хўрликка чидаганимиз. Энди ҳеч қачон орқага қайтмаймиз.

СВЕТЛАНА ГОУС — сотувчи, тошкентлик:

— Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ва ҳукуматимизнинг олиб бораётган сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайман ва маъқуллайман. Ёшим 25да, тошкентликларга, унинг меҳмонларига хизмат қилаётганимдан, ҳар бир кунимиз тинч ва тотув, осойишта, ҳеч қандай қўрқувсиз утаётганидан бениҳоя мамнунман.

Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, Чеченистонда, Тожикистонда аҳвол қандай? Мен тенги минг-минглаб ёшлар — йигитлар ҳам, қизлар ҳам аёвсиз жанг-ларнинг иштирокчиларию, қурбонлари бўлишмоқда-ку.

Рус коммунистларининг ҳам, улар атрофига бирлашган бошқа демократларнинг ҳам собиқ иттифоққа қайтиш тўғрисидаги фикрлари мутлақо ноўрин. Бу ғўё юриб кетган поезднинг орқасидан бекордан-бекорга югуришнинг ўзгинаси эканлигини албатта юртимизни, беҳисоб бойликларимиз ва беминнат арзонгаров меҳнатимизни қўмсашади-да. Лекин бир нарсани унутмаслик керак: қафасдан чиққан шер ҳеч қачон қайтиб унга кирмайди. Мен ҳам ўзбекларни, унда яшаётган бошқа халқларни ғўё қафасдан озод бўлган катта ҳам, кичик ҳам яхши билади-ку.

ҒАЙРАТ АҲМЕДОВ — ошпаз:

— Иттифоққа қайтиш қуруқ хом хаёлликнинг ўзи. Бу бир менинг эмас, балки маҳалладошларимнинг, ёру-биродарларимнинг, ҳамкасбларимнинг ҳам фикри. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деганларидек, шунча йил тобеликка чидадикми, шунга ҳам раҳмат дейишсин.

Иқтисодни ва унинг тармоқларини жуда у қадар мукаммал ўрганмаган бўлсам ҳам, лекин бир нарсани аниқ биламан: Ўзбекистонимиз саҳоватли ўлка. Табиий бойликлари ниҳоятда беҳисоб. Тупроғи унумдор, одамлари меҳнаткаш ва дилкаш, меҳмондўст. Бундай ўлкани қўлдан чиқарган баъзи бир кимсалар, (тўғрироғи улар кўпчилик), перияни истаб қолишибди. Йўқ-йўқ, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Тоталитар тузумнинг кимга кераги бор? Фақат ўз манфаатини ўйлаган, ўзга кишилар, халқлар ҳисобига кун кўришга ўрганган бир ҳовуч оқбилаклар учун керак бу тузум.

МАСТУРА МУСАЕВА — тарбиячи.

— Россия Давлат Думасининг қарори мен меҳнат қилаётган Юнусобод туманидаги 331 — боғча жамоаси ишчи-хизматчиларини бениҳоя қаҳру-ғазабинда келтирди. Ахир бу шармандаликдан бошқа нарса эмаску. Думанинг бу бебурдларча, яна ҳам тўғрироғи безбетларча қабул қилган қарорини қоралаймиз. Қарорга имзо чеккан кишиларни эса сотқинликда, иккиюзламачиликда айблаймиз. Бундай дейишим учун тўла асос бор.

Биз жамоамиз аҳли билан Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларини ўқиб-ўрганиб чиқдик. Уларда Президентимиз томонидан олға сурилган қоидаларни барчамиз қўллаб-қувватладик ва маъқуллладик. Илоё мамлакатимизнинг хурлиги ва озодлиги учун толмай курашаётган Президентимизнинг боши тошдан бўлсин. Ҳеч қачон мустақил мамлакатимиз бепоён осмони узра қора булутлар айланмасин.

БЕҲУДА УРИНИШ

Россия Думасининг Беловежск келишувини бекор қилиб, собиқ Иттифоқни тиклашга уриниши шу кунларда мустақил Ўзбекистон фуқароларини ғазаблантирмоқда. Эркинлигининг бешинчи баҳорини кутиб олган ҳам юртларимиз яна қуллик занжирини қўлларига тақмоқчи бўлган Русия коммунистларининг ниятларини яхши биладилар. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деганларидек, Қодирий, Чулпон, Фитрат, Усмон Носир авлодларини макр ишлатиб «ягона Иттифоқ» таркибига олиб кириб бўлмайди.

Қарийб беш йилдан буён жонажон Ўзбекистонимизда юртбошимиз Ислом Каримов бошлаган ислоҳот амалга ошмоқда. Нафақат иқтисодимизда, балки тафаккуримизда, руҳиятимизда ислоҳот кечаяпти. Ўз-ўзимизни, ўзлигимизни танияпмиз. Руҳимизни поклаяпмиз. Руҳиятимизда рангин ўзгаришлар кечяпти.

Тўғри, бир жамиятдан, иккинчи бир жамиятга осонликча ўтилмайди. Ўтиш даври бир неча йилларга, ҳатто ўн йилликларга чўзилиши мумкин. Лекин эзгу мақсаднинг пойдевори қурилаётганига шубҳам йўқ. Бунинг биргина мисоли сифатида ота-боболаримиз бой маданий, маърифий мероси ўрганиляпти, бобокалонимиз Амир Темурнинг 660 йиллик улкан тўйларини жаҳон миқёсида нишонлаш арафасида турганлигимизни ҳам олиб қуриш мумкин.

Юртбошимизнинг Хоразмдаги нутқи ва ЎзА мухбирига берган жавобларини тўлиқ қувватлайман. Зеро, халқимиз ҳам кўзлаган мақсадимиз ҳам улуғ. Бундай улуғ мақсадни ўз олдига қўйган халқ орқага қайтмайди.

А. САИД,
ёзувчи.

ЎЗ ЙЎЛИМИЗ БОР

Навоий вилоят Ёшлар Иттифоқи Хатирчи туман қўмитасининг уч йиллик фаолиятига бағишланган ҳисоботсайлов конференцияси бўлиб ўтди. Ёшлар ўтган давр мобайнидаги қўмитанинг фаолиятини муҳокама қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгуси режаларни белгилаб олиш юзасидан қатор қарор қабул қилдилар. Хатирчи туман ЁИ қўмитасининг биринчи котиби Нуриддин Жалиловнинг ҳисоботи тингланди. Йиғилиш қатнашчилари шу йилнинг 15 мартида Россия Давлат Думаси қабул қилган Беловежск келишувини бекор қилиш ҳақидаги қарорни бутқул ноқонуний деб таъкидладилар. Ёшлар Президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг тўғрилигини ҳамда орқага йўл йўқ эканлигини, қолаверса, мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси эканлигини ва бунга эришган ўзбек халқи тараққиёт сари олға бораверишини бир овоздан эътироф этдилар.

Б. Шоимов, талаба.

ЭСАВЕРСИН ЭРКНИНГ ШАМОЛИ

Биз «Туркистон» газетасининг 30 март сонида чоп этилган П.Кимнинг мақоласини ўқиб, қишлоқ аҳли муҳокама қилдик.Бу мақоладан кўринадики, Россия Давлат думасининг тарихни ортга қайтаришга беҳуда уринаётганлари фақатгина ўзбекларнинг эмас, балки Ўзбекистонда яшаб, истиқомат қилаётган барча миллат вакилларини ҳам ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Мақолада жумладан шундай дейилади: «Ўзбекистон халқи чинакам озодлик, мустақилликни англаб етди ва энди уни ҳеч қандай ваъдалар билан қайтариб олиш мумкин эмас».

Халқимизнинг боши омон экан, мустақиллик шамоли, эрк шамоли эсаверади. Озодликнинг табаррук туғи ҳилпирайверади.

Жуманазар ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм вилояти, Боғот тумани Қулонқорабоғ қишлоғи.

«Туркистон» оталиғидаги корхонада

МУБОРАКНИНГ ДОВРУҒИ



Косон шаҳридан йўлга чиқишингиз билан узоқ-узоқда ловуллаб ёнаётган зангори оловга кўзингиз тушади. Айниқса, бу манзара кечаси чиройли кўринади. Косондан 40-45 километр юргач, йўлнинг чап томонида жойлашган йирик корхона, яъни Муборак газни қайта ишлаш заводи намоён бўлади. Газчилар шаҳарчаси эса заводдан 10-15 километр чамаси узоқликда,шундоққина йўлнинг чап томонида жойлашган.

Бугунги кунда Муборак газини, Муборак шаҳрини чет элликлар ҳам яхши билишади. Чунки, у ерда ўнга яқин йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир корхона ўз хом ашёси билан мамлакатимиз ахамиятига молиқдир. Айниқса, бу ўринда Муборак газни қайта ишлаш заводи машҳур. Завод фаолият кўрсатаётганига бу йил роппа-роса 25 йил тўлади.

Заводда ҳар йили бирнеча миллиард куб метр газ қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Жамоа бу йил шу миқдорни янада оширишни кўзламоқда. Шуниси эътиборлики, республикамизда олинаётган олтингугуртнинг кўп қисми мазкур завод ҳиссасига тўғри келади. Умуман олганда завод газни қайта ишлаш бўйича жаҳонда Русиянинг Оренбург заводидан кейин иккинчи ўринда турали. Биргина ўтган йили завод Кўкдумалоқ конларидан олинган хом ашёни қўшиб ҳисоблаганда бир неча ўн миллиард газни қайта ишлашга муваффақ бўлди.

Бу ердан олинаётган олтингугурт республикамизнинг барча химия саноат корхоналарига етказиб берилмоқда. Биргина Фарғонага йилига бир неча юз минг тонна тозаланган конденцат юборилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Муборак газни қайта ишлаш заводида тайёрланган хом ашёга хорижий мамлакатларнинг кизиқиши ва талаби катта бўлмоқда. Бултур Англия, Мозамбик, АҚШ каби ўнга яқин чет мамлакатларга хом ашё жўнатилди. Буюртмачилар сони эса йил сайин ортиб бормоқда. Муборакнинг довруғи ошиб бораётганлигининг боиси ҳам шундан бўлса, ажаб эмас.

ДИРЕКТОР БИЛАН МУЛОҚОТ

Биз Муборак газни қайта ишлаш заводининг республикамиз саноатида тутган ўрни ҳақида юқорида қисқагина маълумот бердик. Корхонанинг довруғи ва унинг ажойиб кишилари ҳақида қанча тўхталсак, шунча оз. Яқинда мазкур заводда бўлиб, жамоанинг шу кеча-кундузда амалга ошираётган ишлари билан қизиқдик. Завод директори Нуриддин ЗАЙНИЕВ билан суҳбатлашдик.

— Нуриддин Зайниевич, корхонангиз бошқа газни қайта ишлаш заводларидан нимаси билан ажралиб туради?

— Жаҳонда газ заҳиралари мавжуд бўлган мамлакатлар жуда кўп. Уларнинг ҳар бирида газни қайта ишлайдиган заводлар ҳам мавжуд. Қазиб олинаётган газларнинг ҳаммасида олтингугурт аралашмаси булавермайди. Кўпчилик заҳиралардаги газда метан, бутан, пропан каби газ бирикмалари беқиёс. Биздаги заҳираларда эса саноат учун энг керакли олтингугурт бирикмаси кўп. Химия саноати учун олтингугурт сув ва ҳаводек зарур. Оддий мисол, қишлоқ хўжалик экинлари учун аммиак ўғити керакми, керак. Олтингугурт бўлмаса бу ўғитни тайёрлаб бўлмайди. Ҳатто тилло конларида ҳам заводимизда тайёрланган олтингугуртдан фойдаланилади. Қисқа қилиб айттанда, Муборак-Бухоро зоналаридаги газ заҳираларининг таркиби ниҳоятда бой. Ана шуниси билан корхонамиз бошқа газ заҳираларидан ва газни қайта ишлаш заводларидан ажралиб туради. Яна бир мисол. Тюменни олайлик. Бу ерда қазиб олинаётган газ таркибида метан бирикмаси кўп, олтингугурт эса жуда кам. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Заводда қанча киши ишлайди?

— 2 мингдан ортиқ. Агар Кўкдумалоқ, Зеварда газ конлари ҳамда газ бошқармаларида фаолият кўрсатаётган жами ишловчиларни айтадиган бўлсам 5 минг нафардан ошади. Заводда жами ишловчиларнинг қарийб 500 нафари хотин-қизлардир. Эътиборлиси шундаки, ишловчиларнинг асосий қисмини 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади.

— Сизнинг кўпроқ маҳаллий кадрлар тайёрлашга эътибор беришингизнинг боиси нимада?

— Ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этмоқда. Мен 1992 йилда заводга раҳбар этиб тайинландим. Дастлаб иш юритиш қийин кўчди. Чунки, заводда парокандалик мавжуд эди. Кўплаб етакчи мутахассислар собиқ СССРнинг турли республикаларидан келиб ишлашарди. Иттифоқ тарқатиб юборилгач, уларнинг кўпчилиги ўз она юртларига ихтиёрий равишда кетиб қолишди. Кадрлар қунимсизлиги туфайли заводда иш юритиш оғир кўчди. Чунки, асосий иш жараёнларини бошқариш учун баъзи маҳаллий кадрларда малака етишмасди. Хўш бундай шароитда қўл қовуштириб ўтириш керакми? Асло, дарҳол, асосий эътиборни маҳаллий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратдик. Тўғри, ишлаб чиқаришда бироз бўлсада оқсадик. Лекин бир йил ўтгач, қилган меҳнатимиз самараси кўрина бошлади. Маҳаллий кадрлар бажариладиган асосий юмушларни ўз зиммаларига олишди. Бугунги кунда заводда ишлаётган ҳар бир маҳаллий кадр ўз ишини мукаммал ўрганиб олган. Ҳатто биз ўз мутахассисларимизни иш ўрганиш ва ўргатиш учун чет элларга ҳам юбораётирмиз. Яқинда бир гуруҳ мутахассисларимиз Америка сафарига йўл олишади.

Шуни таъкидлаш керакки, 1992 йилда Президентимиз республикада ёнилги-энергетика мустақиллигини таъминлаш масаласини муҳим вазифалар сифатида киритди. Шу мақсадга эришиш учун корхонада янги блоклар қуришга киришилди. Ўтган даврда газни қайта ишлайдиган 3 та блок қурилиши ниҳоясига етказилди.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА — МУВАФФАҚИЯТЛАР КАЛИТИ

Корхонада бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза этишда Президент И. Каримов белгилаб берган тамойилларга амал қилинмоқда. Бу ерда корхонага ишга жойлашмоқчи бўлган фуқарога аввало, заводдаги иш жараёни, тартиб-интизом тушунтириб берилади. Сўнгра бўлажак ишчи билан унинг оилавий шароити, турмуш тарзи хусусида суҳбатлашилади. Қисқа қилиб айтганда, ишчи корхона шарафи учун, завод маъмурияти эса ишчининг уй шароити, рўзғори, маданий дам олиб, ҳордиқ чиқариши тўғрисида қайғуриши керак. Муборакликлар бу борада чет эл тажрибасидан унумли фойдаланяптилар.

Бу ишлар маъмурият билан ишчилар касаба уюшмасининг ҳамкорликда тузилган тадбири асосида олиб борилмоқда.

Ўзингиз ўйланг, ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида қайси бир корхона ўз ходимининг меҳнат стажига қараб 2,5-3 ҳатто уйланганда, турмушга чиққанда 3-4, оиласида бирор киши қазо қилса ойлик иш ҳақининг 7-10 баробари миқдорида маблағ тўлайди. Заводда эса бу нарса аллақачон йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, ишчиларнинг уй шароитларини яхшилаш, турли хил солиқлардан озод этиш, транспорт харажатларини бепул қилиш, уларни рўзғорга керакли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кийим-кечаклар билан таъминлаш намунали ташкил этилган. Ишчиларнинг унумли меҳнати эвазига маданий дам олишлари учун барча қулайликлар муҳайё. Газчилар шаҳрида соғломлаштириш маскани ташкил этилган бўлиб, унда спорт майдончалари, сауна, теннис кортлари ишлаб турибди. Яқиндагина шаҳарчада сузиш бассейни қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Завод маъмурияти Муборакнинг «Машъал» футбол командасини ҳам ўз оталиғига олган. Команда учун Муборак шаҳри марказида катта уйингоҳни қуриб, фойдаланишга топширди. Команда аъзоларига бериладиган кийим-кечаклар, уларнинг ойлик маошлари ҳам завод зиммасида.

Очиғини айтганда, заводда ишлаётган ҳар бир киши маъмуриятнинг доимо диққат-эътиборида. Туғилган кунлар, тўй-маъракалар, анъанавий байрамлар, турли қизиқарли ва мазмунли тадбирлар учун завод маъмурияти ва ишчилар қўмитаси алоҳида маблағ ажраттан.

МИНГ ЭШИТГАНДАН КЎРА...

«Бир бор кўрган яхши» деган ажойиб нақл бор. Биз ушбу нақлга амал қилиб, заводдаги энг йирик цехлардан бири — Бахтиёр Орзиев етакчилик қилаётган 4-цехни кўрдик. Цехга келганимизда ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдик. Механизмлар шитоб билан ишламоқда. Лекин бирор кишини учратмайсиз. Цех бошлиғи Бахтиёр Орзиев қачонки бизни операторлик хонасига таклиф этгандан кейингина фикримиз мутлақо ўзгарди. Операторлик хонаси кенг ва ёруғ бўлиб, 10 нафарга яқин ёш йигитлар иш жараёнини диққат билан кузатиб туришибди. Гоҳ-гоҳида кнопкаларни босиб, дафтарларга нималарнидир қайд этишади.

— Бизда барча иш жараёнлари ана шу операторлик хонасида бошқарилади, — дейди Б. Орзиев. — Агар механизмларда бирор бир ўзгариш бўлса, бошқарув ойнасидаги митти лампочкалар ёниб-ўчади. Шундагина ташқаридаги механизмларга созловчилар ёки таъмирловчилар юборилиб, механизмларнинг бир маромда ишлаши йўлга қўйилади. Биз ишлаб чиқаришна астасекин компьютер ёрдамида бошқаришга ўтяпмиз. Айни пайтда компьютерларни бошқариш учун маҳаллий кадрларнинг малакасини ошириш ҳаракатидамиз.

Бахтиёржон Орзиев ўз жамоаси ҳақида тўлқинланиб, шодланиб гапирди. Одатда инсон ўз бахтини, ўз тақдирини ўзи яратади.

Ахрор САМАРИДДИНОВ,
«Туркистон» мухбири.



БОЗОР НАЗОКАТИ

Биз бозорларимизда қадимий анъаналар тикланиши, яъни улар одамларнинг муомала марказ-и бўлиб қолиши тарафдоримиз.
Ислом КАРИМОВ.

Бозор бозор-да: ҳар ким топганини келтириб сотади, оладиган олиб кетади, шу! Йўқ, бозор юзаки қарагандагина пала-партиш, ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши йўқ жойга ўхшайди. Аслида бозорнинг шундай ички қонуниятлари борки, у одамни муттасил тарбиялайди, одобга, назокатга ўргатади. Шу талабларни ўзига юқтира олганлар ўйлаган ниятига етади, акс ҳолда бозор ўз талабига жавоб бермайдиганларни сиқдирмайди. Катта умидлар билан бозорга қатнай бошлаганлар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил этгани боис, ушбу қаторларни «Туркистон» ўқувчиларига илиндим.Уни ўқиб ўзига фойдали маслаҳат, йўл-йўриқ топганларнинг бири минг бўлсин, бозори бароридан келаверсин.

МУАЛЛИФ

БОЗОР ИҚТИСОДИ 750 ЙИЛ МУҚАДДАМ БОШЛАНГАН

Узбекистон мустақилликка эришгач, Ватанимизда ҳаёт тубдан янгиланиш йўлига кирди. Бозор муомаласи, бозор сиёсати кўпчилик томонидан бирдек қабул қилинмади. Уни тушунаётганлар ҳам, унга мослашаётганлар ҳам, уни қабул қила олмаётганлар ҳам бор. Ваҳоланки, Шарқда қадим-қадимдан бозор муносабатлари ниҳоятда юксак шаклланган, бозор одоби, бозор ахлоқи одамлардаги энг новик фазилатларни тарбиялаган. Шуро давридаги узилиш бозор тушунчасига путур етказди, одамларни бозордан узиб қўйди.

Аслида инсон ҳаёт экан унинг кундалик турмуши, эҳтиёжи бозор билан боғлиқ. Сотадими, оладими — бундан қатъи назар одам бозорга боради. Бозор ҳар қандай жамиятнинг энг гавжум жойи ҳисобланади.

Бундай жойнинг, табиий, ўзига яраша маданияти, назокати, қонун-қоидалари бўлади.

Ватанимиз мустақил бўлгунга қадар, мустақилликнинг дастлабки йиллари жамиятимизда бозор иқтисодига кенг йўл очилишини жуда кўпчилик орзу қилар эди, талаб қилар эди. Мана, уша орзулар юзага чиқди: бозор иқтисоди шароитида яшамоқдамиз. Буни қарангки, энди баъзан бозор муносабатларидан нолишлар, норозиланишлар қулоққа чалинади.

Бу — ўзгараётган давр янгилигини тўғри тушунмаслик оқибати.

Шуни мутлақо ёддан чиқармаслик керак: бозор иқтисоди қандайдир муддатда ўтиб кетадиган тўй-томоша ё тадбир эмас, у — тўхтовсиз, узлуксиз давом этадиган жараён. Ҳаёт мавжуд экан бозор мавжуд, бозор мавжуд экан бозор иқтисоди, бозор муомаласи ҳам ҳукм суради.

Шарқ бозорининг ўзига хосликлари ҳақида ҳаяжон билан гапириш мумкин, лекин бозор иқтисоди фалсафий-иқтисодий тушунча сифатида машҳур инглиз олими Адам Смит томонидан яратилган. Олим бу тушунчани ҳаводан олмаган албатта, балки одамлар орасидаги бозорий муносабатларни синчиклаб ўрганиш асосида кашф этган.

Ер юзининг ўта ривожланган мамлакатларида бозор сиёсати кенг йўлга қўйилган, шунга қарамай бу сиёсат ҳамма вақт бирдай сақланмайди, балки гоҳ равон, гоҳ норавон йўлдан такомиллашиб бораверади.

Узбекистон ва биз узбекистонликлар ушбу демократик турмуш тарзининг бошланишида яшамоқдамиз. Шу боис бу борада билишимиз, амал қилишимиз зарур бўлган вазифалар, бурчлар жуда-жуда кўп.

ДАРОМАДНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Бойликка интилиш нимадан бошланади?

Кимдир қарзларидан узилишни мўлжаллайди. Яна кимдир хаёлий орзулар билан бозорга йўл олади: хорижий мошиналар ҳайдаса, икки-уч қаватли уй-жой қурса, довруғи етти иқлимга етадиган тўй қилса, шаҳарнинг гавжум жойларида шинам офислар очса...

Орзунинг чеки йўқ, орзунинг айби ҳам йўқ.

Бироқ вақти-вақти билан одам ўзини ўзи саволга тутади: ортгирган давлатим кифоями? Энди бас қилсаммикан?..

Йўқ, бойлик йўқ бўлиб кетмаслиги учун унга оз эса-да, томиб туриши керак.

«Ётиб еганга тоғ чидамас» деган гапда ҳикмат кўп.

Шундан ҳам кўринадики, бадавлат бўлишни кўзлаган одам икки ҳақиқатни-бойлик тўплашнинг чеки йўқлигини ҳамда даромад келишини тўхтатиш мумкин эмаслигини сира унутмаслиги лозим.

Ҳар иккала ҳақиқат икки ўт мисоли одамни ҳушёрликка ундайди. Бойлик жамғаришнинг чеки-чегараси йўқлиги одамни борига қаноат қилишга одатлантиради. Бундай одам дунёда бойлик билан боғлиқ бўлмаган маънавий дунё, одамгарчилик, муқаддас тушунчалар мавжудлигини унутмайди. Бу, унинг ички инсоний мувозанатини сақлашга ёрдам беради.

Иккинчи ҳақиқат эса борига қаноат қилиб, бас, мен бойиб кетдим, энди қўлим истаган жойга етади деган қалтис хулосаларга боришдан асрайди. Фаолиятсизликдан сақлайди. Чунки, топиш — осон, асраш — қийин, деганларидек, одамларни пул топишига қараб эмас, пул сарфлашига қараб ҳам баҳолаш мумкин.

Пулни пала-партиш ҳавога совуриб, ҳамма ишни қайта бошдан бошлашнинг нечоғли қийинлигини пултопар одамлар яхши биладилар.

НАРХ КЎРСАТКИЧИ ЗАРУРМИ?

Бозорда энг кўп эшитиладиган савол-жавоб сотилаётган буюмнинг нархига доир бўлади: харидор сўраб чарчамайди, сотувчи нархини айтиб... оғзида қолмайди. Аҳвол баъзан шу даражага етадики, сотувчи имо-ишорага ўтади, ҳатто нархни сўраб турган харидорнинг афтига анграйиб тили калимага келмайди.

Одатда мўлжалдагидан юқорироқ нарх айтилади. Харидорнинг авзоидаги ўзгаришга қараб нарх мумкин қадар пасайтирилади. Сотувчи «келиштириб бераман» деб харидорни «тутиб» қолишга уринади, «келишамиз» дейди, «сиз учун арзонлаштираман» дейди ва ҳоказо. Шу орада харидор ҳам жим турмайди. Ва кўпинча шу-унча муомала... бекор, беҳуда кетади.

Куннинг ярмига борар-бормас сотувчининг жаги чарчайди, бир хил сўзларнинг такрорланавериши ҳатто кўнглини беҳузур қилади.

Бу оғир вазиятдан қутилишнинг чораси бор. Биринчидан буюмга қатъий ва ўзгармас сотиладиган нархни ёзиб қўйиш мумкин. Фақат, бунда харидор савдолашиш имконидан маҳрум булади — бозорнинг дўкондан фарқи қолмайди. Бозор оралаб юрган харидор бир сўм булсада, нархни арзонлаштириш имконияти унинг психологиясига жуда яхши таъсир кўрсатади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

(Давоми бор)

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

Ватанимиз тарихи азал-азалдан дунё олимларини, барча-барча қизиқувчи инсонларни ўзига жалб этиб келган. Самарқанду Бухорога, Хива-ю Фарғонага бир келиб саёҳат этишни орзу қилган хорижлик иштиёқмандларнинг сон-саноғи йўқ, десак адашмаймиз.

ФРАНЦИЯ ЧОРЛАЙДИ

Айниқса, Ҳиндистон, Франгистон, Хитой, Италия, Испания... хуллас, ҳамма давлатларда соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш катта.

Маълумки, тарихий музейлар тарих фани ютуқлари асосида ривожланади. Қолаверса, кўплаб тарихий ва маданий ашёлар музейларда сақланади.

Ўзбекистон Давлат тарихи музейи бугунги кунда айни ўтмишга оид илмларни тарғиб қилиш борасида муҳим ўрин тутмоқда. Бу ердаги қўргазма расталарда Амир Темур ва унинг авлодлари фаолиятига оид алоҳида булим ташкил этилган.

Булим «Амир Темур шоҳсупада» номли Ҳиндистонда Бобурийзодалар томонидан XVII асрда тайёрланган минниатюра билан бошланади. Куриниб турибдики, Бобурийзодалар тайёрлатган минниатюра Амир Темурнинг буюклигини ва шон-шуҳратини нақадар узоқ-узоқларга кетганлигини англатади. Қўргазмада яна 1391 йили Амир Темурнинг Тухтамишхонга қарши юришлари ҳақидаги хабарлар муҳрланган тош ҳам бор. Амир Темурнинг Олтин Урда хони Тухтамиш устидан қилган буюк галабаси натижасида Россия ва бошқа улкалар озод бўлиб, тараққиёт йўлига тушиб олдилар. Утрор, Тошкент, Самарқанд, Балх, Ҳирот, Хива, Бухоро каби шаҳарлар орқали эса Буюк Ипак йўли савдо карвони яна ута бошлайди. Бир сўз билан айтганда, тарихнинг энг муҳим нуқтаси ёзилган тош биз авлодлар учун жуда қадрлидир.

Амир Темур Самарқандни пойтахт қилиб танлаб, адашмаганди. Бу ер ҳар томондан қулай ва алоҳида иқлимга эга жойдир. Шунинг учун ҳам Амир Темур Самарқандни янада ривожлантирди. Уни гўзал, кўм-кўк ва мева-чеваси мул-кўл булиши учун катта ишлар қилди. Шаҳар атрофига 12 та боғ барпо эттирди. Самарқандни шимолида Боғи баланд, жанубида Боғи Жаҳоннома, ғарбида Боғи Беҳишт, шарқида Боғи Чинор, Боғи Дилкушо ва ҳоказолар. Музейда ушбу Боғларнинг ҳаритаси ҳам растага қўйилган.

Музейдан жой олган Амир Темур ибн Амир Тўрағай жоме масжиди (Бибихоним деб ҳам аталади)нинг макети ҳам жой олган. Ушбу масжид Амир Темур фармони билан 1399 йил қурила бошланган. Оханин дарвозаси яқинида булган Амир Темур масжиди 1404 йилда қуриб булинган. Унинг умумий худуди 1,5 гектардир. Бундан ташқари музейда Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан барпо этилган тарихий ёдгорликларнинг суратлари қўргазмаси ҳам келувчилар диққатини тортади.

Амир Темур ўз давлатининг чет эллар билан алоқа қилишига катта эътибор берганлиги маълум. Масалан, 1402 йил 1 августда Амир Темурнинг Франция қироли Карл VIга ва 1403 йил 15 июнда Карл VIнинг сохибқиронга жавоб хатлари музейда сақланмоқда.

Музейда Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридан олинган қўйидаги жумларни ўқиймиз: «Менинг мақсадим — адолат ўрнатиш. Мамлакат гуллаб-яшнашида менга кўмаклашинг». Амир Темур ушбу мурожаатни савдогарларга, меҳнаткашларга ва жами ҳунармандларга қарата айтган экан.

Чет эл рассомларининг Амир Темур сиймосини яратишга ҳаракат қилганлари бежиз эмас. Бугун жаҳонга довруг солган соҳибқирон бобомизнинг расмини чизиш рассомларга шубҳасиз шуҳрат келтирган. Шунинг учун булса керак, Амир Темур сиймосини чизган рассомлар барча мамлакатларда топилади. Музейдаги қўргазмада ҳам чет эл рассомлари чизган турли Амир Темур сиймоси туширилган расмлар урин олган. Муйқалам усталари асарлари орасида Жавлон Умарбековнинг салобатли «Етти иқлим султони» сурати айниқса ғўзаллиги билан ажралиб турибди. Суратда «Етти иқлим султони» ўғиллари, саркардалари, яқинлари ҳамда чет эл элчилари билан тасвирланган.

Худо хоҳласа, Амир Темур бобомиз ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи ушбу қўргазма шу йил апрель ойида Франция да боради. Фаранг дўстларимизда қўргазма катта таассурот қолдирса, ажаб эмас.

М. ФОЗИЛОВА,
Аспирант.

Кўклам — меҳнат билан кўркам

ТАШАББУС БОР ЖОЙДА...

Усмон Юсупов тумани ёшлар ташкилотининг яқинда булиб ўтган конференциясида бир гуруҳ делегатлар туманда лавлаги ва маккажўхори етиштиришни ўз зиммаларига олиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Уларнинг бу ҳаракатини туман ҳокимлиги кенг қуллаб-қувватлади.

Бугунги кунда ёшлар ўз ташаббусларига лойиқ иш тутмоқдалар. Тумандаги «Миришкор» жамоа-ширкат хўжалиги йигит-қизлари вилоятда биринчи булиб лавлаги экишга киришишди.

Хўжаликнинг Сайфулла Намозов бошлиқ ёшлар бригадаси аъзолари ҳозиргача 25 гектар майдонга лавлаги экди. Бу ишда тажрибали механизатор Жўра Намозовнинг хизмати катта булди. У ўз агрегатини бир меъёрда ишлатиб, барча майдонларга бир текис уруғ тушишини таъминлади.

Хўжаликда баҳорги экиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Маҳмуд Аслонов бошлиқ бригада жамоаси ҳозиргача 16 гектар майдонга беда экиб булишди.

Шунингдек, бевосита ёшларнинг иштироки билан хўжаликнинг ички йўл ёқалари ва ариқ бўйларига 20 минг тупдан ортиқ терак қаламчалари утказилди.

Ўз мухбиримиз.

Файзулла Хўжаев:

«МЕН ЯШАШНИ ИСТАЙМАН...»

Бундай инсофсизлик ўзини халқ ва партия ишига бағишлаган инсон учун оғир қўргулик эди. Юзага келган вазиятни шунчаки қабул қилишга қодир эмас. У юқори лавозимдаги кунлари саноқли эканлигини ҳам сезиб турарди. Бир неча кун ичида булиб ўтган нохуш воқеаларни ўзига оғир олган Ф. Хўжаевнинг юрак хуружи тутиб қолди. Шу ҳолатда уч кун ётиб олди. Бироз ўзига келгач, аниқроғи, 21 июнда ишга чиқишга мажбур булди. Бу унинг ҳаётида сунгги бор хизмат курсисига ўтириши эди. Столи устидаги жорий ишлар ҳақидаги Халқ Комиссарлари Кенгашининг 870-қарорига имзо чекади. Бу унинг расмий хужжатларга охирги бор қўл қўйиши булди.

Съезддан сўнг Акмал Икромов билан учрашгани икки жумҳурият раҳбарининг очиқликдаги яккама-якка юзлашиши булди. Ушанда улар рўй берган ҳолат юзасидан батафсил фикр юритишади.

Сарқотиб Ф. Хўжаевнинг аҳволини бир оз тушуниб, унга далда беришга ҳаракат қилди.

Демак, ҳаммаси аниқ-равшан! Энди Тошкентда унинг қиладиган иши қолмади ҳисоб. МҚ саркотиби шундай деб турғандан сўнг, бошқалар нима дерди? Гўё ҳамма уни тинглаш ҳуқуқидан маҳрум булгандек! Илгари у билан қуюқ яшнашдиган, буйруқ ва кўрсатмаларни икки қилмай бажарадиган масъул ходимлар унга кўринмасликка ҳаракат қилишарди. Бу ҳам етмаганидек орадан кўп ўтмай Ф. Хўжаев расмий равишда эгаллаб турган вазифасидан озод қилиниб, унинг ўрнига Султон Сегизбоев сайланди.

Ваҳоланки, бир вақтлар шахсан А. Икромовнинг ўзи унинг ҳукумат раҳбари булишини ёқлаб чиққанди. 1925 йил 17 февралда Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасининг биринчи сессиясида МҚнинг масъул котиби А. Икромов сўзга чиқиб, шундай деганди:

— Ўртоқлар, биз худди Ижроия Қўмита раисини сайлаганимиз каби республика Халқ Комиссарлари Кенгашининг раисини ҳам сайлашимиз керак. Бизнинг Халқ Комиссарлари Кенгашининг раиси, энг аввало, кенг халқ оммасининг тулатўкис ишончига сазовор киши булиши, яна у ишчан лаёқатли киши булиши, бизнинг республикамиз олдида турган қийин вазифаларни ҳал қила олишга қодир булиши керак. Бу икки ҳолатга эга булган ва большевиклар фракцияси томонидан ана шу лавозимга қурилаётган ягона номзод ўртоқ Файзулла Хўжаевдир.

Орадан бор-йўғи 12 йил ўтгач, вазиятнинг бошқача тус олиши кўпчиликни лол қолдирди. Нега, Эшон аканинг хизматларини йўққа чиқаришга уринишмоқда? Бу кимга керак булиб қолди? Ахир ишда камчилик булса очиқ-ойдин айтинг-син, уни ҳукумат раҳбари йўқотишга қодир. У ҳақиқий танқид учун ҳеч кимдан хафа булмайди. Аммо орқадан ҳуфиёна ҳамла қилиш, бировнинг қули билан уни бадном этиш инсофдан эмас-ку! Наҳотки, буни тушунишмаса?!

* * *

Ф. Хўжаев ҳар гал Москвага келганда Сталин билан учрашишни канда қилмасди. «Халқлар отаси»нинг мазмунли суҳбатини тинглашни, унинг оламшумул қўрсатмаларини бекаму-кўст бажаришга одатланганди. Ахир Сталинни у салкам 20 йилдан бери яхши билар, кўп масалаларда фикрлашиш насиб этганди. Нафақат Кремль ҳужайини, балки унинг атрофидагилар ҳам Ф. Хўжаевни бағоят ҳурмат қилишарди. Қолаверса, у миллий жумҳуриятлар раҳбарлари орасида энг обрўлиси ҳисобланарди. СССР ҳукуматининг халқ ҳужалиги ва маданий қурилиш соҳасига раҳбарлик қилишдаги ижобий тажрибаларни иттифоққа ёйиш мақсадида тез-тез Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгашининг ҳисоботи тинглаб турилар ва «Файзулла Хўжаевдан Ўрнак олингиз», деган қарорларнинг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас-ди.

Боз устига Ўзбекистон ҳукумати раҳбари Сталин билан оилавий яқинлиги кўпчилик учун янгилик булмаса керак. Ф. Хўжаев мамлакат пойтахтига хотини ва қизи Вилоят билан бирга борарди ва албатта Бош котибнинг Кунцеводаги дала ҳовлисига таклиф қилинарди. Суҳбат мавзуи ҳар хил булиши эҳтимолдан ҳоли эмасди. Ф. Хўжаев баобру суҳбатдошининг ҳар қандай саволига жавоб беришга тайёр. Бироз тамадди қилишгач, дала ҳовлининг сулим ҳиёбонлари бўйлаб суҳбат қуришни ёқтиришарди. Бир учрашувда, аниқроғи, партия сафини тозалаш муносабати билан ўтказилган йиғилишдан сўнг Сталин қуққисидан:

— Ўртоқ Хўжаев, биламиз миллионер одамнинг фарзанди булатуриб партияда катта обрўга эгасиз ва юқори мартабага эришгансиз. Хуш, қани айтинг-чи, сиз ўзингиз инқилобга нима каромат кўрсатдингиз? — деб сураганди.

— Нима каромат кўрсатганимни билмадиму, — деб босиқлик билан жавоб берганди ушанда Ф. Хўжаев, — аммо нима берганимни очиқ айта оламан. Иниқлобга мен отамдан қолган миллионларни ва бутун ўзлигимни бахшида этдим. Миллионларнинг сариқ чақасини ҳам ўзимга раво кўрмадим, партия ғояларининг амалга ошиши учун ўзимни асло аямадим.

— Жуда яхши, ўртоқ Хўжаев, қани ҳар бир коммунист ҳам сиздек булса, биз сизнинг партия ва совет ҳукумати олдидаги катта хизматларингизни унутмаймиз, — дея Сталин ўчиб қолган тамакисини тутатмоқчи булиб, қалласини сал қия қилсада, ўткир нигоҳини сухбатдошидан узмасди. Унинг шоп мўйлови, қирра бурни ва ўсиқ қоши остидаги айёр кўзлари Файзуллага ботиб турарди. Шу дамда аслидинасл насаби паст, ҳақиқий отаси номаълум булган ва охирги-батда узини бир фақир этиқдузнинг фарзанди қилиб кўрсатган Сталиннинг кўнглида ҳуфиёна фикрлар буҳрони юз берарди. У қаршисидаги одамга ҳасад билан боқарди. Ўзининг малъун ўйларини фош этиб қўйишдан чўчиб, нигоҳини сал нарироқда Светлана билан ўйнаётган суҳбатдошининг қизига бурди ва яна табиий булмаган оҳангда сўз қотди:

— Қаранг, ўртоқ Хўжаев, совет болалари қандай бахтиёр...

— Ҳа, тўғри айтасиз, ўртоқ Сталин, уларга хавас қилса арзийди. Улар сизнинг доно раҳбарлигингизда камол топишмоқда.

...Собиқ ҳуқумат бошлигини Москвада совуқ кутиб олишди. Унга ортиқча марҳамат кўрсатилмади. Илгариги иззат-икромдан дарак йўқ. Ҳайрият, сал инсофга келишди шекилли, жумҳурият раҳбарлари учун мўлжалланган «Национал» меҳмонхонасидан жой беришди. Шунга ҳам шукур! Булмаса оиласи билан ётоқ излаган булармиди. Уни Москвада хуш кўрадиганлар ҳам топиларди. Таниқли рус ёзувчиси Галина Серебрякова билан анча йилдан бери қадрдон. Уни Ф. Хўжаев бот-бот Ўзбекистонга таклиф қилган. Адиба 1922 йили Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийсида булиб, «Бошқалар ва ўзим ҳақимда» деган эсдаликларини ёзганди. Ф. Хўжаев ёзувчининг Москвдаги уйида таниқли шоир Борис Пастернакка шундай деганди: «Мен Россияда уқидим. Отам ун бир яшар пайтимда Бухородан олиб келганди. У шухратпараст эди, шунинг учун ҳам катта савдогар булиб етишишимни орзу қиларди. Мен отамнинг умидларини оқламадим, ун етти ёшимдаёқ бошқа йўлни танладим».

Худди ана шу йўл Ф. Хўжаевни муте қилиб, Москвага етаклаб келганди. У меҳмонхонага жойлашган заҳотиёқ ҳукумат телефонини кўтарди ва симнинг у томонидан Кремль навбатчисининг жавобини эшитгач:

— Мен Файзулла Хўжаев буламан, ўртоқ Сталиннинг қабулхонасини уласангиз, — дея дадил, худди олдинги вақтдагидек гапирди.

Навбатчи ким биландир маслахатлашди, шекилли орадан бироз вақт ўтгач, овоз берди:

— Кутинг, сизга хабар беришади.

Тамом-вассалом! Ф. Хўжаев бушашиб, телефон гўшагини ўрнига оҳиста қўйди-ю, унга узоқ вақт термулиб қолди. Шу чоғ телефон жиринглаб, «кечиринг, ўртоқ Хўжаев, тушунмабмиз, сизни Сталин ҳозир қабул қилади», дейишларини истарди. Афсус ундай булмади.

— Балки, болам, ўзинг олдига борарсан, — дея онаси соддалик билан гап ташлади.

— Кремлда тартиб бошқача, она!

— Катталарнинг иши кўп булади, агар уларни йўқлаб борсанг, қабул қилишар. — Онасининг беозор оҳангда баён этган илтижоси ўғлига эриш туюлди. Унга нима деб жавоб беришга тайёр эмасди. Шу боис индамай қуя қолди.

У телефонга михланиб қолганди. Кўнгил ёзиш учун ҳеч қаёққа чиқолмасди. Шиқаста оёгини баҳзур таплаб, у ҳонадан бу ҳонага ўтади. Ҳозида ўзини қўйгани жой тополмайди. Шу дамда юрагига қил сиғмайди. Кейинги кунларда агар Сталин қабул қилса, нималар ҳақида унга сўзлашни баён этиш ўйида булди. 20 йиллик фаолиятидаги энг муҳим воқеаларни қоғозга туширишга ҳаракат қиларди. Афсуски, ўйларининг поёнига ета олмасди.

Тунлар беҳаловат ўтарди. Вақт алламаҳал булганда эшикнинг қаттиқ тақиллашидан ҳамма баравар уйғониб кетади. Нималар булаётганини билишмоқчи булишиб, бутун вужудлари қулоққа айланади. Қўшни хонанинг эшиги очилгач, кимлардир гурс-гурс киришар ва орадан бироз вақт ўтгач, бирдан қий-чув бошланарди. Демак, яна бир бахти қароғи қамоққа олишга келишган қуринади, дея ўзларига хулоса чиқаришарди. Наҳотки, навбат уларга етаётган булса?! Йўқ, ундай булиши мумкин эмас!

Азобли кутиш онлари бир ҳафта чўзилди. Шу вақт ичида телефон жирингламади. Ҳозида Ф. Хўжаевнинг сабр-тоқати тугаб, яна нажот қалъасига сим қоқмоқчи булардию, шаштидан тезда қайтарди. Чунки ўзбошимчалиги симнинг у ёгида турганларга хуш келмас ва бир гапни икки булишини ҳам ёқтиришмасди. Демак, кутиш, кутиш ва яна кутиш керак! Шундай булсада, Ф. Хўжаев қоидани бузиб яна бир бор дохий қабулига киришни илтимос қилди. Жавоб эса ижобий булмайди. Шундай бехаловат оқшомлардан бирида НКВД Марказий девонининг мансабдор ходимлари Ф. Хўжаевни қамоққа олишди.

Шуни айтиш лозимки, А. Икромов жумҳурият Халқ Комиссарлари Кенгашининг раисини Москвага жўнатиб, қаттиқ адашган эди. Ўзининг масаласи ҳам тез кунда ҳал булишини ҳали билмасди. Сарқотибдан «халқ душман»ларини фош этишда оқилона фойдаланишарди. Унга йўл-йўриқлар кўрсатишиб, бирин-кетин элнинг асл фарзандлари қўлига кишан урилари, тан олдиган булсак, ўша пайтда кўп масалада А. Икромовнинг ҳам қўли калта эди. Ихтиёр ўзида эмасди. Бу ҳол узоқ давом этмади. Орадан 3 ой ўтгач, уни ҳам «фош» этишди. Буни эътиборингизга ҳавола қилинаётган икки хужжат ҳам тасдиқлаб турибди.

«Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси пленумига

а) қамоққа олинган Бухарин, Ф. Хўжаев, Разумов, Румянцев, Полонский, Хўжанов, Антонов, Рисқуловнинг қўргазмалари

б) ўртоқ Икромовнинг Бухарин, Ф. Хўжаев, Антипов, Разумов, Румянцев билан юзлаштириш баёни,

в) ўртоқ Икромовнинг аризаси билан танишиб чиқиб, ВКП(б) Марказий Комитети шуни аниқладики,

ўртоқ Икромов буржуа миллатчилари, ўзбек халқининг душманлари (Ф. Хўжаев, Хўжанов, Болтабоев, Тожиев, Каримов ва бошқалар)га нисбатан сиёсий қўрлик қилибгина қолмай, баъзан уларга хомий сифатида ҳам иш тутди:

афтидан, Икромовнинг Москвада троцкийчи-ўнг аксилсовет гуруҳлар (Бухарин, Антипов ва бошқалар) билан алоқаси бор эди.

ВКП(б) Марказий Комитети қарор қилади:

1) Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети пленумига ўртоқ Икромов ҳақидаги масалани муҳокама қилиб, ўз фикрини ВКП(б) Марказий Комитетига билдириш таклиф этилсин:

2) мазкур хат билан боғлиқ масалаларни тушунтириш учун ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоси ўртоқ А. А. Андреев Ўзбекистонга юборилсин.

И. Сталин,
В. Молотов.
1937 йил, 10 сентябрь.
Москва шаҳри».

Ислом УСМОНОВ.

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Ёшлар Иттифоқида нима гап?

КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛДИ. НАТИЖА ЭСА...

Умр елвизакдай утаверади. Барча даврларда, ҳар қандай шароитда элнинг, давлатнинг келажаги ёшлар булган. Ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шундай булиб қолаверади. Зеро, Президентимиз айтганларидек, **«Мақсадимизга эришишимиз, сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам, маънавият соҳасида ҳам барча ислоҳотларнинг тақдири ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ».** Бу гаплар, бу фикрлар яқинда бўлиб ўтган Бекобод туман Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг навбатдаги конференциясида қайта-қайта такрорланди.

Очиғи, утиш даврининг имтиҳонлари ёшлар ташкилотининг аввалги тизими мўрт булганлигини кўрсатиб қўйди. Бу иш бошқаришда ҳам, ёшларни бирон-бир тадбирга жалб қилишда ҳам, уларнинг қўмитага аъзо булишида ҳам кўриниб қолди. Натижада Ёшлар Иттифоқи аъзолари кўп жойларда, жумладан Бекободда ҳам камайиб кетди. Бундан ташқари воя-га етмаганлар билан ишлаш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, улар ўртасида кунгилочар тадбирлар утказиш масалалари конференция қатнашчиларининг диққат марказида турди.

Яна бир гап. Конференцияда қатнашган туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, туман Халқ Демократик партиясининг биринчи котиби, қуйингки, ҳамма-ҳамма қилиниши керак булган ишлар, муаммолар ҳақида куйиб-пишиб гапиришди. Бироқ, натижа қандай булади? Буни албатта, вақт кўрсатади. Зотан, вақт олий ҳакамдир.

Конференция ишида Тошкент вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Раҳимжон Сафоев қатнашди.

(Ўз мухбиримиз).

ЗАМОНАНГДАН ЎРГИЛАЙ...

Чархи фалакнинг гардиши ила замон ўзгармоқда.

Жиззах туманининг Учтепа шаҳридаги «Маиший хизмат уйи» биноси савлат тўкиб шундай маскан борлиги одамларга эслатиб турарди. 1984 йилдан буён бу даргоҳ ишлаб ишламади, ёпилиб ёпилмади. Шу ерлик тадбиркор Бахтиёр Примқулов эса савоб ишга қўл урди. Бинони қайта таъмирлаб «Примқул» кичик корхонаси ташкил этди. Бугун бу кичик корхонада 32 киши эл хизматига камарбаста бўлиб ишламоқда. Аҳоли бу жамоанинг 8 турдаги хизматидан мамнун.

Суратда: кичик корхонанинг тикув цехи ишчиси Дилфуза Орипова.

Ҳақ-ҳуқуқингизни биласизми?

ҲУҚУҚИМИЗ КАФОЛАТЛАНГАН

Газетамизнинг ўтган сонларининг, бирида Меҳнат кодекси борасидаги фикрлар билан таништиришни бошлаган эдик. Қуйида ушбу мавзудаги қарашларимизни давом эттирамиз.

Меҳнат кодекси (МК)нинг умумий қисмида қонун вазифалари, унинг амал қилиш соҳаси, меҳнатга оид муносабатларни қонун йўли билан ҳамда шартнома асосида тартибга солишнинг нисбати алоҳида боблар асосида яққол кўрсатилган. Шунингдек, халқаро шартномалар, халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конференциялари билан Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунларининг ўзаро нисбати, қонунчиликнинг хорижий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаганларга, Ўзбекистон Республикасида жойлашган ва чет эл корхоналарида қўлланилиши, меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари, ходимлар ва иш берувчининг вакилликлари, жамоа шартномалари ҳамда келишувлари каби масалалар тўлиқ баён этилган.

Меҳнат ҳуқуқининг ишга жойлаштириш, шартнома (контракт), иш ва дам олиш вақти, ҳақ тўлаш, кафолатли ва компенсация тўловлари, интизом, шартнома талабларининг моддий жавобгарлиги, муҳофаза, низолар ва бошқа ҳуқуқий нормалар ҳам шу қисмдан жой олган. Кодексда таъкидланганидек, қонунларнинг кенг жабҳада амал қилиши назарда тутилган. Бу эса мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ва шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солади.

Кодексда биринчи марта меҳнатга оид муносабатларнинг қонун йўли билан ҳамда шартномалар асосида тартибга солишга уринилди. Бунда мутахассислар бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга оид муносабатларни маҳаллий (локал) нормалар ва якка шартномалар асосида тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бир вақтда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларининг минимал даражаси мустаҳкамлаб қўйилди. Бу қоида мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар барча корхоналар учун мажбурийдир. Фуқаролар меҳнат ҳуқуқига эга булиш ва ундан фойдаланишда тенгдирлар.

Шунингдек, Ўзбекистон Конституцияси ва ХМТнинг «Мажбурий меҳнат ҳақида» ҳамда «Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисида» конвенция қоидалари ҳам эътиборга олинди. Мажбурий меҳнатни таъқиқловчи алоҳида норма киритилди. Меҳнат қонунчилигида биринчи марта халқаро ҳуқуқий нормаларнинг конституцион устунлик принципи ўз ифодасини топди. Бунда ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларнинг устунлигига эътибор қаратилди.

Меҳнат қонунларининг хорижий шахсларга, гражданлиги булмаган шахсларга ҳамда чет эл корхоналари ходимларига нисбатан қўлланилишига оид нормалар ҳам кодексда мавжуд.

Кодексда биринчи марта иш берувчи сифатида кимлар намоён булиши мумкинлиги аниқ эслатилди. Ходимлар ва иш берувчиларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари мустаҳкамланди.

Амалдаги МҚКда ходимлар ва иш берувчилар манфаатларини ифодаловчи вакилликлар масаласи муайян тартибга солинмаган эди. Фақат касаба уюшмасига оид бир неча моддаларнинг мавжудлиги эса алоҳида ҳолат ҳисобланади.

Мазкур кодексда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган ва халқаро амалиётда тан олинган трипатризм принципига қатъий риоя қилинди. Бу меҳнатга оид иҳтимоий муносабатларни тартибга солишда учта тарафнинг, яъни ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг узаро манфаатларини бирга ҳисобга олиб боришдан иборатдир.

Корхоналардаги вакиллик органларининг мақоми белгилаб берилди. Уларнинг ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Вакиллик органларининг қонуний фаолиятларига тўсқинлик қилишни таъқиқлаш ҳозда тутилди. Иш берувчининг вакиллик органлари олдидаги вазифалари қонун-қоидага солинди. Вакиллик органларининг аъзолари булган ходимларнинг қўшимча кафолатлари кўрсатиб ўтилди. Иш берувчиларнинг вакиллик органларига алоҳида моддалар бағишланди.

Энди корхона ходимлари ўз манфаатларини ҳимоя қилишни қонуний йўл билан ҳал қила оладилар. Айни вақтда барча вакиллик органларининг тенглиги ҳақида қоида киритилганлиги ҳам айни муддао булди. Бу энг муҳим ғоялардан бири булиб, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, масалан, ХМТнинг «Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисида» конвенцияга тўла мувофиқ келади.

«Жамоа шартномалари ва келишувлари» ҳақида ҳам маълумот бериб ўтиш жоиз. Аввало шуни таъкидламоқ зарурки. кодексда меҳнатга оид муносабатларни шартномалар ва маҳаллий нормалар билан тартибга солиш жиддий равишда кенгайтирилди. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида жуда зарурдир.

Ушбу кодекснинг алоҳида бобида жамоа шартномаси ва келишувининг тушунчалари баён этиб берилди. Жамоа корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир. Уз ўрнида жамоа келишувлари ҳам муайян касб, тармоқ, ҳудудга тегишли ходимлар учун меҳнат шартлари, иш билан банд қилиш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатдир.

Бундай шартномалар ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларни мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари хусусида мунозара олиб бориш ва уни тузиш тартиблари, уларнинг мазмуни ва таркиби белгилаб берилди. Унинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш вакиллар орқали, шунингдек, Меҳнат вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Меҳнат кодексининг махсус қисмига ишга жойлаштириш ҳақида булим киритилди. МҚКда бундай боб йўқ булиб, фақат ишдан озод булган ходимларни ишга жойлаштириш тартиби қоида асосида белгиланган эди. Бунда бозор иқтисодиёти шароитида ишга жойлаштириш масалаларини тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор принципи жиҳатидан мутлақо янги қоидалар акс эттирилди. Бундан ташқари ходимларнинг айби билан боғлиқ булмаган асосларга биноан ишдан бушатилганда уларни моддий жиҳатдан қуллаб-қувватлашга доир булган кафолатлар доираси кенгайтирилди.

Кодекс бир томондан кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини берса, иккинчи томондан эса ёмон ишлаётган ёки интизомни бузаётган ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун реал имкониятлар яратади. Меҳнат шартномаси бобида шартноманинг тушунчаси ва мазмуни ёритиб берилган булиб, ходимнинг ҳоҳишига биноан муддатидан олдин бекор қилинганда ходим «неустойка» тулаш мажбуриятидан халос этилади; айни вақтда меҳнат шартномаси ходимнинг айбли ҳаркатлари туфайли муддатидан олдин бекор қилинганда иш берувчи ҳам «неустойка» тулаш мажбуриятларидан озод этилади.

Шунингдек, шартномани иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишнинг мутлақо янги андозаси таклиф қилинди. Амалдаги МҚКда меҳнат шартномасини бекор қилишга йул қўйиладиган интизомга хилоф ножуя ҳатти-ҳаракатлар ишга келмаслик, маст ҳолда келиш, корхона молмулкини талон-тарож қилиш ва бошқалар санаб ўтилган эди, холос. Бундай тартиб айни вақтда ХМТнинг конвенциясига ҳам мувофиқ келмайди.

Халқаро амалиётда тан олинган ишдан бушатиш зарурияти ва асослилиги ҳақидаги тушунчалар киритилганки, бу ходимларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари кафолатларини сезиларли даражада оширади.

Амалдаги қонунчиликка нисбатан ходимни маъмурият ташаббуси билан ишдан бушатиш масаласини касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишиш масаласи мутлақо янги тусда ҳал қилинди. Бундай келишиш фақат жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда зарурдир.

Кодексда иш берувчининг ходимни қонунсиз бошқа ишга ўтказганлик ва меҳнат шартномасини бекор қилганлик учун жавобгарлиги кучайтирилиб, унинг маънавий жавобгарлиги ҳам келишувларда белгилаб қўйилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

«Иш вақти» деб номланган бобда халқаро-ҳуқуқий хужжатлар эътиборга олинди. Иш вақтини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги тажриба умумлаштирилди. Натижада бу соҳада ҳам корхоналарнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Чунончи, ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд булган ходимлар учун қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш тартиби ўзгартирилди, чунки бу масалани марказлаштирилган тартибда бошқариш қаноатланарлимасдир.

Аввало, шуни айтиш лозимки, ҳафталик иш вақтининг 40 соатлик муддати, шунингдек, амалдаги беш кунлик ва олти кунлик иш ҳафталари, айрим тоифа ходимлар учун қисқартирилган иш вақти меъёрлари сақлаб қолинди. Яна бир янги қоида. Бунга кўра ноқулай меҳнат шароитидаги касблар ва ишлар муайян соҳадаги аниқ, корхонанинг хусусиятларини эътиборга олиб, жамоа шартномалари ва келишувларида кўрсатилади.

Корхоналарнинг иш вақти режими ва иш вақти турлари мустақил равишда белгиланади. Зарур ҳолларда иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш ҳам жорий қилинди.

Иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилиш мумкинлиги масаласига янгича ёндашиш таклиф этилди, бунда иш берувчи билан ходимнинг манфаатлари ҳисобга олинган булиб, бу — халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабига мос келади.

Ҳ. ПИРИМҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси, «Туркистон» шарҳловчиси.

АМУ СОҲИЛИНИНГ БУЛБУЛИ

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Тиловберган Жумамуродов ҳақида шингил хотира

Ун беш йилча муқаддам Элликқалъа тумани чўлқуварлари ҳузурига бир гуруҳ қорақалпоқ ёзувчилари ташриф буюрдилар. Мақсадлари «Ёзувчилар — пахта далаларида» рукни остида ҳашар — очерк ёзишдан иборат экан.

Бизда «Сабаб боис сават аравага чиқиб қолди» деган ибора бор. Камина — туман газетаси таҳририятининг ёш ходими ҳам уша гуруҳ билан хўжаликларни айландим.

Аммо бу гуруҳ таркибидаги қаламкашлар ҳам анойи ёзувчилар сирасига кирмас эди. Биргина Хўжабек Сеитовни олинг. XX аср қорақалпоқ адабиётининг иккинчи авлодига мансуб улкан ижодкор. Бир қанча вақт Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасини бошқарган. Максим Горький билан учрашганми, йўқми, билмадиму, собиқ Иттифоқнинг йирик ёзувчиларидан кўпчилигини шахсан билишини, бошидан кечирган турли воқеаларни гапириб ўтирди. Гуруҳнинг яна бир аъзоси, таниқли адиб Исмоил Қурбонбоев бақувват асарлари билан китобхонлар меҳрини қозонган...

Ҳар қандай давра ва ҳар қандай гурунгнинг ўз етакчиси бўлади. Ушандаги гурунгда ана шундай одам нуроний, кўзойнак таққан, қиррабурун киши бўлди. Бошқачасига айтганда, мазкур даврада улоқ шоир Тиловберган Жумамуродовга тегди.

Гурунг деярлик тонг оқаргунча давом этди. Тиловберган ога ўзининг ва қорақалпоқ, ўзбек, форс-тожик мумтоз адабиёти намоёндаларининг асарларидан кўп ўқиди. Мен ушанда шунчаки шеър ўқиш бошқа-ю, даврага, айтилаётган гап ё мавзуга боғлаб, аниқ фикрни ифодалаб шеър ўқиш бошқа эканлигини дилдан ҳис қилдим. Суҳбатда нима ҳақда, қайси иллат ё фазилат тўғрисида гап кетмасин, Тиловберган Жумамуродов ўзи ё ўзга шоирнинг сатри билан атрофлича жавоб берарди. Гап Умар Хайём меъросига кўчгач, шоирнинг қулфи-дили очилди. У улуғ шоир рубоийларини қорақалпоқ тилига ўгираётган экан. Хайёмнинг ўнлаб рубоийларини қорақалпоқча эшитдик.

Шоирнинг яна бир фазилати хотирамга қаттиқ муҳрланиб қолди: Тиловберган ога раис билан раис дунёқарашида, сувчи билан мироб даражасида, зиёли билан файласуф тенгги гаплаша олди. Уларга уқтирмоқчи бўлган фикрини шеърда қисқа, лўнда ифодалаб берди.

Бундан бир неча йил аввал, забардаст шоир оламдан ўтди. Узбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердақ номидаги Давлат мукофоти соҳиби Тиловберган Жумамуродовдан жуда катта адабий мерос қолди. Унинг илк тўплами — «Юрак» муҳаббати» 1956 йили нашр этилган бўлса, шундан буён ўнлаб китоблари адабиёт ихлосмандларига қатор тилларда армуғон қилинди.

Т. Жумамуродов ижодининг қирралари кўп. Уларни таҳлил этиш ишини адабиётшуносларимиз чекига қолдирайлик-да, биттагина фазилатига тўхтаб ўтайлик. У Турон замини халқлари дўстлигининг куйчиси эди. Лоақал шоирнинг айрим шеърлари сарлавҳасини эсланг: «Навоий ҳақида», «Ўзбек шоири Ғафур Ғуломга», «Қирғиз дўстларимга», «Қозоқ йигитга» ва ҳоказо.

Уни яқиндан билган ўртоқлар «Тиловберган ога илҳом билан ёзадиган шоир эди» дейишади. Машҳур шоирларимиздан бири «Илҳомнинг вақти йўқ, елдай келади», деб ёзганида гўё Тиловберган Жумамуродовни назарда тутгандек.

Ҳикоя қилишларича Ашхободда улуғ шоир Махтумқулининг таваллуд санасига Тиловберган ога бағишлов шеър билан бориши керак булибди. Туркманистон пойтахтига учишдан аввалги кун кечаси шоир уйида унга ҳалақит берадиган меҳмонлар булганми, бошқа сабабданми, у Нукусдаги катта ресторанга бориб, бир ўзи бир столни банд қилибди. Кейин салфеткага ёзаверибди, ёзаверибди. Ярим тунда ресторан ходимлари ундан иш вақти тугаганлиги сабабли «зални бушатиб қўйиш»ни сурашибди. Шоир эса пинагини ҳам бузмабди. Охири ходималар ресторан директорини чақиришибди. Директор шоирни таниб: «Шу одам хоҳлаганича утирсин!» дебди. Махтумқулининг таваллуд санасининг энг зўр бағишлови деб тан олинган шеър шу тариқа ресторанда ёзилган экан...

XX аср қорақалпоқ шеъриятида Тиловберган Жумамуродов ижоди қандай ўринга эга? Ҳозирги замон қорақалпоқ шеъриятида Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердақ анъаналарини давом эттирган ҳамда эттираётган бир неча йирик шоирлар борки, улардан бири — Аму соҳили булбули Тиловберган Жумамуродов эди. Утган йил охирида шоир таваллудининг 80 йиллиги нишонланди. Бу боқий ижод халқимизнинг улмас меросига айланган!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Туркистон» мухбири.

Қизлар дил дафтаридан

МЕҲР ҚОЛУР...

(дугонамга айтолмаганларим)

Ёқимтойлигинг кимгадир қувонч бахш этолмаслигини сезиб юрасан. Мунгта тўлиқ нигоҳларингнинг эгаси йўқлигини билсанг-да, кўзларинг қатидаги шабнам юрагига сингувчи инсон борлигини писанда қилаверади. Сенга булар бекор-да, бўлмаса бир нигоҳ айламасмидинг.

Озорларингни-да кўзларига тутиё қилувчи дўстни кўрганингда, сўзларини тинглаганингда, ортингдан махзунгина термулишларни пинҳон сезганингда нимага қулмайсан-да, қалбингдаги санчиқдан таскинланасан?

Гудагини бағрига босиб кетаётган ҳув анови жувоннинг сўлғин юзларини маъбудага қиёслайсан-да, гул-гул ёнган юзларингга гам нишонасини аллақаердан сураб олгинг келаверишини наҳот мени билмайди, деб ўйлайсан?

Турфа, анвойи кийимларингни кияётганингда эгнингга нинадан гул босилган янглиг аъзойи баданинг титраб, чучиб кетишинг сабабларини сен билмасанг-да, атрофингдаги сен деса жонни қурбон қилишга тайёр яқинларинг қаёқдан билсин, сезсин? Назарларида уларнинг олдида хуш-хандон юришинг дилларига таскинлик бахшида этишига сабаб булаётганини ўзинг ҳам биласан-ку, яна нега билмагандай юрасан?

Чексиз меҳрибонликларингнинг эгаси ким булиши кераклигини, бусиз ғариб қунглинг ёришмаяжагини нигоҳларинг-да, ҳаракатларинг-да сездириб қўйса-да, эгасини сураётганини улар ҳам билиб қўйганини лоақал бугунгина тан олгин.

Сенинг дардинг, қувончинг бошқаларникига ўхшамайдими-ҳатто табиатнинг ўзи иньом этиб, ўзи тортиб олувчи ана шу хислатларни ҳам ажралиб туришини истайсанми, ўзи қанақа инсонсан, билолмадим.

Яккаланиб қолиш, одамлардан ўзни тортиб юриш дилнинг қат-қатига ниш уриб, оғриқ беришини билиб, бошқаларга ўшандай ҳолатга тушмасликни маслаҳат берсанг-да, ўзинг худди ана шу нарсаларни яҳши кўришинг сабабини мен билсам-да, ҳеч кимга айтолмайман.

Оҳ, қандай яхши. Гарчи истаса-да, уддасидан чиқолмаса-да, ҳар қалай сўзда бўлса-да, сенга кўмак беришга тайёр турган кишининг сўзларини тинглаш қандай оромли?! Лекин уддасидан чиқа оладиган, истаса сенинг дардларингга нуқта қўядиган инсоннинг айтиб бўлмас, таъриф бериб бўлмас нигоҳларини, муносабатларини билмасликка олиб, меҳрини эътиборсизлик шафқати билан синдириб яшаш — ўлимга тенг эмасми?

Бу кунгил нималарни истамайди, нималарни орзуламайди? Лекин худди ана шу истакларга йиллар, кунлар, соатлар ичида бўйсунмасдан яшаш... офарин айтайинми сенга?

Имкони бўлса эди, юрагингни, кунглингни ҳеч бир пасткашлар сўзи таъсир этмайдиган, писандаларга эътибор бермайдиган, ғаламислар ғийбат қилганда сезмайдиган, эшитмайдиганига алмаштира олармидинг, бор-йўғингни бахшида этиб. Қанийди...

Эй дил, ўзиям жуда-жуда тушуниб бўлмас бир нарса экансан-да. Ўзи ҳалидан бери нима истаётганингни, нималар демоқчи бўлиб лабларингни қимтиётганингни ўзинг-да билмасанг, мен, бошқалар қай тахлит билишсин ахир?

Яна қаноти борларни эсладингми? Лекин қанотларинг бўлганда ҳам ташвишлардан, дардлардан қочиб бошқа ёқларга кетолмас эдинг, кетолмайсан...

Гули ЧЕҲРА.

Газета саҳифаланаётганда

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

Мирзо Улуғбек номидаги дорилфунуннинг журналистика факультети ҳузурида халқаро журналистика бўлими бундан роппа-роса 3 йил бурун очилган халқаро журналистика кафедраси негизида таркиб топди. Дарвоқе, Андижон, Қорақалпоғистон ва Тошкент илмгоҳлари талабаларидан чет тили ва журналистик маҳорат тест-синовларидан муваффақиятли ўтган 25 нафар 3-4 курс йигит-қизлари билан бўлиб ўтган учрашувда Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Қ.Аллаев, ТошДУ раҳбарияти вакиллари иштирок этдилар.

Халқаро журналистика бўлимининг очилиши, бир сўз билан айтганда, мустақил Узбекистонда келажак матбуотнинг равнақи йўлидаги дадил қадам бўлди, десак янглишмаймиз. Талабаларнинг чет тилларга бўлган иштиёқ ва қизиқишларидан келиб чиқиб ҳафтасига 12 соат этиб белгиланган чет тили, Марказий Осиё давлатлари журналистикаси, Халқаро этикет, Халқаро ҳуқуқ асослари каби қатор фан сабоқлари йўлга қўйилди. Мақсад бўлажак қалам аҳлининг куч-ғайратини ўстириш, жаҳон талабларига лаббай, дея жавоб бера оладиган — маънавий баркамол мутахассислар тайёрлашдир.

Замонавий коммуникацион жараёнлар юқори савиядаги техник ривожланишни талаб этади. Ҳатто секундлар информациянинг асл қадрини белгилаши сир эмас. Инчунин, дипломатия асосларини видеотехника, аудио, оргтехникалар орқали ўзлаштириш осон кечади. Шу боис ҳам таҳсил хоналари лингофонлар, қўшалоқ видео техника, (8 дона) компьютерлар билан жиҳозланмоқда. Талабаларнинг назарий билимларини амалиётга бевосита тадбиқ этишлари учун уларнинг ҳар бири алоҳида диктофон, репортёрлар билан таъминланиши ҳам эътиборга молик.

Дилфуза ДАМИН қизи,
Азиза ОБИДОВА.

Қуёш саҳоватли нурларини соча бошлади. Қиш бўйи интиқ кутган юраклар безовта энтикди. Майин эсаётган шабада юзларингни, сочларингни ёқимли сийпалаб ўтади. Қимтиниб юз кўрсатаётган куртакларнинг муаттар ислари димоғингни қитиқлайди.

Руҳинг шодумон, ич-ичингдан бир янгиланиш, атрофга гўдак мисоли ҳайратда боқасан. Уйғонаётган новдалар каби одамларда ҳам ўзгача руҳ, ўзгача туйғу кечинади. Ҳамма хушнуд, ҳамма бахтиёр.

Кўчалар, хиёбонлар янгича товланади. Улар айёмий кайфият, жажжи болажонларнинг шодумон қийқириқлари билан тўлиқ.

Яшаш гўзал. Олам мунаввар, инсон Улуғ. Руҳингдаги бу тиниқлиқ сабаби... Баҳор. У сени покликка, яратиқца, яшашга чорлайди. Гўзалликка қондирмоқчи бўлади у сени.. Сокин, илиқ туйғулар билан кириб келаётган Баҳор бу...

Юртни, Улкани анвойи гулларга белаґувчи Баҳор бу...



СИРҒАЛИДА МАШИНА БОЗОРИ

Бу йилги Навруз пойтахтнинг Сиғали тумани аҳолисига ҳам олам-олам қувонч, файз-тароват, қут-барака олиб келди. Мустақиллик байрамининг тўрт йиллигида 960 ўринли «Сергали деҳқон бозори» ишга тушган эди.

— Бозоримизнинг ишга тушиши аҳоли учун жуда катта қулайликлар яратди, — дейди биз билан суҳбатда бозор директор Усмон Муҳамедов. Бозоримизда сартарошхона, алоқа бўлими, заргарлик дўкони ва шунга ўхшаш бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари доимий ишлаб турибди. Навруз баҳонасида бозор ҳудудига 50 туп арча, 100 тупга яқин манзарали дарахт кўчатлари эқдик...

Навруз кунлари туман аҳолиси қувончига яна бир қувонч қўшилди. Энди сиргалиликлар ўзларининг «Машина бозори»га эга бўлишди. Бозорни шаҳар йўл қурилиш трести ҳамда туман ғараж ҳўжалиги қурувчилари бунёд этишди. 10 гектар майдонни эгаллаган бозорда турли машиналар ва эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи дўконлар, махсус савдо расталари харидорларга хизмат кўрсата бошлади.

Г. МИРЗАҲОШИМОВА.

Масъулияти чекланган «Туркистон ёшлари» жамияти Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган қуйидаги товарларни пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ

1. Телевизорлар — диоганали 37, 51, 54, 64, 73 см
2. Моноблок — 5 турда
3. Видеомагнитофон — 5 турда
4. Видеокамера — 1 турда
5. Холодильник — 6 турда
6. Микротўлқинли печь — 1 турда
7. Мусиқа маркази — компактдискаси билан
8. Чангютгич — 4 турда
9. Автомагнитола — 2 турда
10. Аудиплеер — 4 турда
11. Стол лампаси
12. Факс — 2 турда
13. Иситгич — 2 турда
14. Ошхона комбайни
15. Миксер
16. Тостер
17. Гуруч қайнатгич
18. Электр чойнак
19. Фен

НАРХИ — ШАРТНОМА АСОСИДА
Мурожаат учун тел: 33-79-69
КЎТАРА ОЛУВЧИ ХАРИДОРЛАРГА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.

КЕЛГУСИ СОНДА:

- *Оталар ўгити*
- *Орзу билан яшайди инсон*

«ЎЗБЕКДАВЦИРКИ» БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

Фурқат ЮНУСОВ

ўргатган йўлбарслари,

Рустам МАТЧОНОВ

5 метрли илон билан олишуви томошалари давом этади.

Томошаларда ўргатилган тулар, кучуклар, айиқлар, маймунлар, илонлар ва бошқа ҳайвонлар иштирокида кўрсатиладиган ўйинлар дам олувчиларга завқ-шавқ беради.

Томоша икки бўлимли, катта ва ранг-баранг дастурдан иборат.

Томошалар апрель ойида ҲАР ҲАФТАНИНГ ЖУМА куни соат 18.00 да, ШАНБА ва ЯКШАНБА кунлари соат 12.00 ва 15.00 да намойиш этилади.
Жамоа бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинади.
Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

КОИНОТДАГИ ОНГДОШ ОҒАЛАРИМИЗ

Яқин орада коинотдаги онгдош оғаларимизнинг манзилини топишимиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Янги қуёш тизимини топган британиялик мунажжимлар шундай фикрга келишди. Бу янги илмий фаразга кўра шундоқ бизнинг «бурнимиз остида» қуёшга ўхшаган сайёралар тизими мавжуд. Ва у ерда бизнинг Еримиз каби ривожланишга эга бўлган сайёра бўлиши мумкин.

Албатта, бу қуёш тизимининг яқинлиги нисбийдир. Унга етиш учун космонавтлар секундига 300 километр тезликда 40 йил мобайнида учишлари керак. Бироқ, олимларнинг тасдиқлашича, Қуёшники каби таралаётган ёруғликни очиқ ҳавода телескопсиз ҳам кўриш мумкин экан.

«Бу — ягона Қуёш системасига ўхшайдиган — биринчи сайёралар тизимидир, — деб тушунтиради Сингдон астрономик изланишлар иттифоқи ходими доктор Поль Мерден, — ҳозир бизнинг олдимизда турган асосий масала унда ҳаёт бор-йўқлигини аниқлашдир».

Швейцариялик астрономлар Мишель Майл ва Диле Кеуелолар ўша тизимда худди Юпитерга ўхшаш сайёрани топишга муваффақ бўлдилар. Яна 18 ой давом этиши керак бўлган кузатиш мобайнида мунажжимлар бошқа сайёраларни ҳам топиш умидидалар.

Ўтган йили ҳам америкалик олимларнинг бири юлдузлар қаъридан шундай сайёралар тизимини топишга эришди. Бироқ кейинчалик аниқланишича бу сайёралар айланадиган муҳит радиацияси бутун тирик мавжудотлар учун заҳарли экан.

Ҳозир дунё бўйлаб минглаб мунажжимлар ўзга ерлик оғаларимизни астойдил кидиришга тушганлар. Шундай ташкилотлардан бири Америка космос агентлиги вакилининг сўзларига қараганда, уларнинг кейинги юз йилликдаги асосий вазифалари шундай сайёралар тизимини топиш ва Ер каби иқлимга эга бўлган сайёраларнинг бирига онгли мавжудотларни кўчириш мумкинлигини аниқлашдир.

Британиялик ҳаваскор мунажжимларни ҳам бундай илмий ташаббус эҳтироси чулғаб олган. Улар буш вақтларини фазодаги янги ёруғликни топишга бағишламоқдалар. Кўплар ҳали коинотда шундай гумонлар мавжудлигини 30 йил муқаддам ўз тажрибаларида асослаган америкалик олим Френк Дрейк таълимотига асосланади.

Унинг тажрибасига кўра Сомон йўлида жойлашган 40 миллиард юлдузларнинг барчаси ёш жиҳатида Қуёш билан тенгдош бўлиб, Ер каби сайёралар билан ўралган. Агарда шу ёруғликларни 10 фоизи яшаш учун зарур бўлган иқлимга эга, деб фараз қилсак, Ерга ўхшаш сайёраларнинг фазода ҳаёт нуқтаси бўлиши эҳтимоллиги 4 миллиардлик «ёруғлик ҳайбатлари» ораси жуда кичкина. Бошқача қилиб айтганда бундай ҳолатда ўзга сайёраликларни топиш эҳтимоли бор. Бироқ ўзга сайёраларга парвозга шайланмоқчи бўлган йўловчиларнинг бироз кутиб туришларига тўғри келади. Ҳатто коинотдаги юлдузлар жойлашишини ўрганадиган энг замонавий ускуналар ҳам ёруғлик атрофида ҳаракатланаётган бу фазо нуқталарининг аниқ ўрнини белгилашга ожизлик қилади.

Бу ҳақда Лондондаги астрофизик университетининг профессори Майкль Роуэн Робинзон қуйидаги изоҳларни келтиради: «Ерни коинотда шундай ривожланишга эга бўлган ягона сайёра деб ҳисоблашимиз мумкин. Чунки Ернинг қиёфадоши саналмиш иккинчи сайёра унга нисбатан 3-5 миллиард йил катта ҳисобланади ва бундай ҳолатда ўзўзидан маълумки, уларнинг НУЖлари бизни анча илгари топиб келишган буларди». Эҳтимол, ҳақиқатда коинотда биз ягона робинзонлардирмиз. Лекин бундай нуқтаи назар билан изланувчи олимлар келиша олмасалар керак. Улар Ерга қадимдан турли учар ликопчалар ташриф этиб келган, деган фаразни олга суришмоқда.

Рус тилидан
А.БОБОЕВ таржимаси.

Ғаройиботларга тўла дунё

ОЛТИ ЁШЛИ ИККИ БОШЛИ... ЭГИЗАКЛАР

Эбби ва Бритти фанни ҳайратга солишмоқда

Шов-шувга сабаб бўлган бу воқеа бундан олти йил муқаддам юз берган бўлса-да, воқеа тафсилоти «Лайф» журнали мухбири АҚШнинг Шимоли-Ғарбий қисмида жойлашган муъжазгина шаҳарчада бўлиб қайтгандан сўнг кенг жамоатчиликка ошкор бўлди. Ғаройиб бу эгизакларнинг ота-онаси матбуот ва қизиқувчи кишиларнинг ҳаддан ташқари эътиборини жалб қилмаслик учун мухбирдан шаҳар номини айтмасликни қатъиян илтимос қилганликлари сабабли воқеа айнан қаерда бўлганлигини биз ҳам билмаймиз.

Шундай қилиб, ҳамшира Пэтти ва дурадгор Майк Хенсел тўнғич фарзандларини орзиқиб кутишарди. Ҳеч бир мушкилот сезилмас, ультратовушли зонд билан текшириш ҳам битта рисоладаги чақалоқдан дарак бермоқда эди. Бола нотўғри жойлашганлиги учун уни она қорнини ёриб олиш тавсия этилди — бу ҳам аслида одатдаги ҳолдек эди. Бироқ гўдакни қабул қилиб олаётган акушерка ... икки бошли чақалоқни кўриб кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди.

Амалда икки қиз — оддий тилда сиамҳолат деб ном олган бир-бирига туташ эгизаклар туғилган эди. Гап шундаки, ўтган асрнинг 30-йилларида АҚШга «ёввойи «экспонат» сифатида Таиланд (Сиам)дан Чанг ва Энг исмли эгизакларни олиб келишганди. Агар улар бизнинг давримизда туғилишганда эди, жарроҳлар уларни осонлик билан бир-бирларидан ажратиб олишган бўларди, чунки уларни кўкрак қафаси қисмидан юпқа парда узаро боғлаб турарди. Чанг ва Энг 63 йил умр кўришди, бу сиамҳолат эгизаклар учун шу пайттача рекорд натижа ҳисобланади.

Тиббиёт статистикасига қараганда, бундай эгизаклар тухумдонларнинг тўла ажралмаслиги оқибатида содир бўлиб, ўртача 50 мингта кўз ёришнинг биттасида шундай ҳол учрайди. 40 фоиз ҳолатда бундай эгизаклар ўлик туғиладилар, туғилган эгизакларнинг 70 фоизи эса — қизлардир.

Одатда сиамҳолат эгизаклар жарроҳлик йўли билан кичик ёшлигида ажратилиб, лоақал улардан бири сақлаб қолинади. Бироқ кичкина Эбби ва Бритти (агар уларнинг бошлари орасидан ўсиб чиққан чиндан ҳам ортиқча учинчи қўлни 4 ойлигида олиб ташлашганини ҳисобга олмаса) қандай бўлса, шундай қолдиринди. Врачлар операция қилинса, қизлардан биринигина сақлаб қолиш мумкинлигини айтишганда, эгизакларнинг ота-онаси бу ғояни қатъиян рад этдилар. «Тирик қолдириш учун қандай қилиб улардан бирини танлаш мумкин?» — деди ота. Она ҳам ўз томонидан қўшимча қилди: «Улар ахир икки бола, икки шахс-ку. Агар уларнинг пешонасига қўшилган ҳолда бирга туғилиш ёзилган бўлса, буни табиат ажойиб тарзда уддалаган». Жон Гопкинс номидаги машҳур тиббиёт маркази профессори педиатр Бенжамин Карсон ҳам (бир неча бор сиамҳолат эгизакларни операция қилган бўлишига қарамай) ота-она фикрини маъқуллади:

«Жарроҳлик аралашуви нари борса қизларни бир умрга ногиронлик аравачасига михлаб қўйиши мумкин».

Мутахассислар узоқ вақтга мулжалланган башорат қилишдан ўзларини тиймоқдалар, аммо ҳозир эгизаклар мутлақо соғлом эканлигини қайд этмоқдалар. Улар сувда сузишни ва велосипед ҳайдашни ўрганиб олдилар. 6 ёшли барча америкалик кичкинтойлар қатори қизлар болалар боғчасидаги тайёрлов синфига қатнаётирлар.

Эгизакларнинг анотомик ҳолати қуйидагича: уларнинг ҳар бирида алоҳида юрак, алоҳида ошқозон ва алоҳида умуртқа погонаси бўлгани ҳолда белдан пасти — жигар, сийдик йўли ва ҳоказолар ҳар иккови учун умумийдир. Қон-томир системалари ўзаро боғлиқ бўлиб, эмлаш, укол қилиш, дори қабул қилишда улардан бирининг иштироки кифоя қилади. Аммо, қизиги шундаки, уларнинг асаб системалари турлича, Эбби ўнг оёқ ва ўнг қўлни, Бритти чап оёқ ва чап қўлни назорат қилади. Агар, дейлик, онаси Эббининг товонини қитиқласа, синглиси қулмайди ҳам. Фақат қўракнинг тор қисмида улар бировларнинг тегинганлигини бирдаликда ҳис этишади. Қизларнинг феъл-атвори ва одатлари ҳам ҳар хил: уй вазифасини қилаётганларида бир-бирларининг дафтарига қарамайдилар. Улар турли вақтларда қоринлари очиққанини, ҳожатга боришлари кераклигини ва уйқу тортаётганини ҳис қиладилар. Лекин барибир ўларга ҳамма нарсани биргаликда бажаришга тўғри келади.

Олимлар бу эгизаклар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришда ажойиб қобилият намоён этаётганларидан ҳайратланаётирлар. Улар қандай қилиб худди битта одамдек қарсак чаладилар? Қандай қилиб оёқ кийим ипини боғлайдилар? Ёки бўлмаса, ҳар бирининг икки оёғи бор каби бемалол юришлари-чи? Тўғри, баъзан эгизаклар қаерга боришни узаро келишмай ҳам қоладилар. Шунда улар гўё рақс тушаётгандек бирдан бир доирада айланадилар.

Албатта, ота-онани фарзандларининг келажаги хавотирга солади. «Улғайишгач уларга қийин бўлади», дейди ота. Мутахассислар йиллар ўтиб руҳий зиддият юзага келишини ва эгизаклар ўзларини ажратиш учун операция қилишларини талаб этишлари мумкинлигини ҳам назардан қочираётганлари йўқ. Аммо, бир томондан, сиамҳолат эгизакларнинг турмуш қурганлари тўғрисида мисоллар ҳам мавжуд. Яна ким биладди, балки Эбби ва Бритти улғайгунларича, тиббиёт уларга чинакамига кўмак бераоладиган даражага эришар?

Ҳозирча эса Бритти учувчи бўлиш, Эбби эса тиш шифокори бўлишни орзу қилаётир. Отаси баъзан ҳазиллашиб қўяди: «Учувчи хонасида бири самолётни бошқарса, иккинчиси мижозининг тишини кавласа, билмадим, нима бўларкин?» Хенселларнинг оиласида бўлган америкалик журналист аёл қизлар гоҳида «бизнинг ҳам эрларимиз бўладими?» қабилида савол беришлари ҳақида ёзади. Бундай ҳолларда қизларнинг отаси жиддий туриб жавоб қилади. «Нега энди бўлмас экан? Сизлар шундай гўзал ва ақлисизларки..»

(«Труд-7» ҳафталигининг 55-сонидан)

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58;
хатлар бўлими — 36-54-65; тижорат бўлими — 33-79-69, 36-58-48; ижодкор ёшлар — 36-57-52; котибият — 36-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Телефон: 6-38-07

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. — 0191
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми — 2 тавоқ. Тираж — 9839.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти — 21.00

1 2 3 4 5 6